

Xabar

27
(824)-son

4-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



SMK kompaniyasi xavoda "ёзилган" belgilarni monitorga uzatuvchi "simtsiz ruchka" ishlab chiqdi va taqdimotini utkazdi.

Ayni paytda kompaniya yangi qurilma uchun patent olishga harakat qilmoqda. Ruchka "uch ulchamli" sensorli tezlik hamda Bluetooth texnologiyasi amaliy imkoniyatlariga ega.

Bo'shqa Bluetooth-qurilmalaridagi singari, signal uzatish masofasi urtacha 10 metrni tashkil etadi. Bu ruchka taqdimot marosimlarida lazer kursatkichlar urnini egallashi va bo'shqa muhim ishlarida kul keliши mumkin.



YOSH DASTURCHILARNI TAYYORLASH VA QO'LLAB QUVVATLASH MARKAZI



СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ – БИЗНИНГ ЮТУҒИМИЗ

— дейди Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази жамоаси



Истиқлол бизга ҳар жабҳада, ҳар бир соҳада аввало миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ишлаш, янгилар яратиш ва шу орқали дунёга Ўзбек моделини танитиш имконини берди. Бугунги кунда барча йўналишларда бўлганидек, мамлакатимиз АКТ тизимида ҳам улкан ўзгаришлар, ривожланишлар юз бермоқда. Буни Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.

5-бет

Ушбу сонда:

Қашқадарёда ижро интизоми қандай?

2-бет

“Ўзбектелеком” АК: юқори кўрсаткичлар, аниқ вазифалар

3-бет

Текшириш ва ўрганишларда...

4-бет

Корейская атака на MP3

6-бет

Келажак ҳақида ўйлар

11-бет

Оқ йўл, бунёдкор ёшлар!

13-бет

Истиқлол иншоотлари

16-бет



www.alskom.uz


O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK SUG'URTA KOMPANIYASI

Кенг қамровли сугурта хизматлари

тел: (+998 71) 273-80-05, факс: (+998 71) 273-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —
JUMAGACHA

Matbuotda **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Matbuot** ва **оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги эълон қилинди.**

27-28 июн кунлари Тошкент шаҳрида **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг** ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди, унда парламент юқори палатасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилган бир туркум қонунларни, шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда ҳаммаси бўлиб ўн бешта масала, шу жумладан, еттига қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлиси амалий ва конструктив рухта ўтди.

Мамлакатимизга таширф буюрган **Ветнам Социалистик Республикаси Миллий йигини (парламенти) раисининг ўринбосари Уонг Ту Лиу раҳбарлигидаги делегация 30 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова билан учрашди.**

Мулоқот чоғида **Ўзбекистон билан Ветнам ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда "Реклама тўғрисида"ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида олиб борилган назорат-таҳлил натижалари **Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни талабларига риоя этилиши борасида** муайян ишлар қилинганлигини қайд этдилар.

Хиванинг эски шаҳар қисмидаги **"Ичан-Қалъа" мажмуасида "Кўҳна Хоразм маданияти — 2008" фестивали бўлиб ўтди.** Тадбир **"Ўзбектуризм" миллий компанияси, Хива шаҳри ҳокимлиги ҳамда Хива бизнес ва сайёҳликни ривожлантириш маркази, "Coca-Cola" компанияси, Халқ университетлари немис уюшмаси (DVV International), Германия тараққиёт хизмати (DED), Корея халқроқ ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Фестивалда халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган маҳсулотлар намоиш этилди.

HAY'AT YIG'ILISHIDA



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Хайъат раиси, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарди.

Қашқадарёда



Маълумки, Агентлик иш режасига муво-

фиқ ҳудудий бошқармалар, тизимдаги корхона ва ташкилотларда ҳамда уларнинг қуйи таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолати махсус тузилган ишчи гуруҳи томонидан мунтазам ўрганиб борилмоқда. Ана шу ўрганишлар натижалари эса агентлик Хайъати йиғилишларида атрафлича кўриб чиқилапти. Йиғилишларда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинаётди. Албатта, бу ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Хайъатнинг навбатдаги йиғилишида "Агентликнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини 2008 йил I ярим йил давомида ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала кўрилди. Қашқадарё вилоятида ўрганишлар асосан ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилинишини ташкил этиш, уларни ижро қиларга етказиш, назорат остидаги ҳужжатлар бажарилишини ташкил этиш, мурожаат ва шикоятлар билан ишлаш, ижронинг назорат қилувчи таркибий бўлинма, унинг малакали кадрлар билан таъминланганлиги ва уларга яратилган иш шароити, ижро интизомини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳолати каби йўналишларни қамраб олди.

Ушбу масала юзасидан ахборот берган Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиги вази-фасини бажарувчи М.Султоновнинг таъкидлашича, ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш бўйича вилоятдаги барча ҳудудий бўлинмаларда масъул шахслар ажратилган. Ҳудудий бўлинмаларда кирув-



ИЖРО ИНТИЗОМИ ҚАНДАЙ?

чи ҳужжатларни белгиланган тартибда рўйхатга олиниши ташкил этилган. Бироқ рўйхатга олиш тартиби "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Matbuot тарқатувчи" АК ва "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУКнинг вилоят бўлинмаларида қисман бузилган. "Қашқадарё Телеком", "Ўзбектелеком Мобайл" филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК ҳамда "Matbuot тарқатувчи" АКнинг вилоятдаги бўлинмаларида юқори турувчи ташкилотнинг буйруғи ва фармойишлари асосида корхонанинг ички ташкилий-бошқарув ҳужжатининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши тўлиқ ташкил этилмаган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида ўрганиш ўтказилган кунга қадар юқори ташкилотлардан келган жами 160та бажарилиши лозим бўлган ҳужжатдан 61таси назорат мuddатидан ўтказиб ижро этилган. "Қашқадарё Телеком" филиалига келган 14та мурожаатнинг 9таси шикоят тарзида рўйхатга олинган. Улар ўрганилганда, барча шикоятлар корхонанинг айби билан юзга келганлиги маълум бўлди. Шикоятларни кўриб чиқиш натижасига кўра филиалнинг 7 нафар ходимига нисбатан интизомий жазо қўлланилди.

Хуллас, йиғилишда ўрганишлар натижаси бўйича М.Султонов батафсил маълумот берди. Хайъат унинг ахборотини тинглаб, Агентликнинг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят ДАИ, "ЎЗИ-Қарши" филиали, "Электромангит мослашув маркази" ДУК вилоят бўлинмаси, Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида ижро

интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга ошири-лаётган фаолиятни қоникарлик деб топди. "Қашқадарё Телеком", "Ўзбектелеком Мобайл" ва "UzNET" филиалининг бўлинмаларида, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК, Давлат

фелдъегерлик хизмати, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази минтақавий бўлимлари, АТ "Алоқабанк" ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмас деб ҳисобланиб, бу борада олиб борилаётган тадбирларни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

"Matbuot тарқатувчи" АКнинг вилоят бўлинмаси, "Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиалининг 8-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУКнинг Қашқадарё филиалида ижро интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган фаолият қоникарсиз экани эътироф этилди.

Хайъат қабул қилган қарорда Агентлик тизимидаги барча акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларига тизимдаги ҳар бир бўғинда иш юритишни амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга ошириш, ҳужжатлар билан ишлашда лоқайдликка чек қўйиш, ижро назоратини кучайтириш чораларини кўриш, иш юритиш ва ижро интизомида хато ва камчиликларнинг олдини олиш юзасидан масъулиятни ошириш ва камчиликларга йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўриш, жойларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, ўқу семинарларини мунтазам ташкил этиш, жумладан, ижро интизомини кучайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

YOZ — O'TMOQDA SOZ



хоналарда дам олдилар, турли тўғарақларда қатнашдилар. Оромгоҳда тиббиёт шахобчаси мавжуд бўлиб, у ерда шифокор болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб турди.

Шунингдек, болажонларимиз Бухоронинг диққатга сазовор тарихий жойлари — Лабиховуз, Баҳроуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилдилар. Айниқса, Улугбек ва Кўхалдош мадрасалари, Минораи Калон, Бухоронинг шимол-шарқий қисмидаги Қорминор архитектура мажмуаси сингари ёдгорликлар болажонларимизда катта таассурот қолдирди. Фарзандларимиз оромгоҳ ходимларидан, уларга қаратилган эътибор ва кўрсатган гамҳўрликларидан кўнгиллари тоғдек кўтарилиб, ота-оналари бағрига хурсанд қайтишди.

Мароқли кунлар

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида ёзги дам олиш маъсуми бошланганлиги муносабати билан "Бухоро Телеком" филиали тасарруфидаги "Еш алоқачи" оромгоҳига 9 нафар ходимимизнинг фарзандларига бепул йўлланма берилди. Оромгоҳ чор-атрофи қалин дарахтзор билан қопланган ҳушманзара баҳаво гўшада жойлашган экан. Бу ерда ҳар бир иш пухта режа асосида ташкил этилгани учун 6 июндан 20 июнгача бўлган вақт оралиғи бир зумда ўтиб кетди. Ўғил-қизларимиз турли спорт ва кўнгилчор уйинлар уйнадилар, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этдилар, замонавий қилиб жиҳозланган шинам ётоқ-

SEMINAR

Ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Бироқ керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмасдан ва улар ихросини таъминламасдан туриб, бу ишларни амалга оширишнинг имкони йўқ. Шулар инобатга олинган ҳолда мамлакатимизда АКТ йўналишидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

АКТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИЖАТЛАРИ



Шу билан бирга, АКТ соҳасидаги ҳуқуқий ҳижатлар бўйича халқаро даражадаги ҳамкорлик масалаларига ҳам катта эътибор қаратиляпти. 1-2 июл кунлари Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" бизнес марказида ушбу мавзуга бағишланган Миллий семинар ўтказилди. Унда мамлакатимизда электрон тижорат ва у билан боғлиқ фаолиятни ривожлантиришга дахлдор бўлган ҳуқуқий масалалар кўриб чиқилди.

БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси (БМТ ЕИК), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаш-

тириш агентлиги, БМТ Ривожланиш Дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳаси томонидан ташкил этилган ушбу семинарда соҳа мутахассислари ва экспертлари, ҳуқуқшунослар, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Семинар очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Дастурий махсулотларини ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Файзулло Агзамов, БМТ ЕИК иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция бўлими директори Андрей Василев, БМТ Ривожланиш Дастурининг

Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Киоко Постиллар сўзга чиқашди.

Шундан сўнг асосий маърузаларга ўрин берилди. БМТ ЕИК иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция бўлими ходими Мичико Эномото БМТ ЕИКнинг АКТ соҳасидаги фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Семинар ишига йўриқчи сифатида тақлиф этилган Лондондаги Қиролича Мария университетининг Тижорат ҳуқуқини тадқиқ этиш маркази профессори Ян Уолден "Ўзбекистонда АКТ соҳасидаги сиёсатнинг ҳуқуқий моҳияти – АКТ сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий масалалари" мавзуйда нутқ сўзлади.

АКТнинг тобора тараққий этиб бораётгани корхоналар ва жисмоний шахсларга электрон шаклдаги маълумотларни халқаро миқёсда алмашиш ва масофадан туриб ўзаро битимлар имзолаш имконини юзага келтирмоқда. Албатта, бундай вазиятда

ҳуқуқий ва меъёрий масалаларда қатор саволлар келиб чиқиши табиий. Жумладан, электрон шаклда тузилган шартномаларнинг юридик кучга эга бўлиши ва улар электрон тарзда бўлгани учун хавф-хатарларнинг юзага келиши, кибержиноятчилик ва

бири унификацияланган (бирхиллаштирилган) ҳуқуқий ислохотларни ривожлантиришидир. Бу ислохотлар электрон тижорат ва у билан боғлиқ фаолиятнинг тез ривожланишига ёрдам беради.

Тадбир иштирокчилари икки кун мобайнида АКТни ҳуқуқий тартибга солиш таъминллари, тузилмалари ва субъектлари, соҳадаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, электрон хабарларни юридик жиҳатдан тан олиш, ҳужжатнинг ёзма тури, имзоланиши ва асл нусха шаклига доир талаблар, зарур маълумотларни ўз ичига олган хабарларни сақлаб қўйиш, хорижий электрон ҳужжат ва имзоларни тан олиш, электрон гувохномаларни йўлга қўйиш, шартномалар тузиш ва уларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш, АКТ хавфсизлиги, рақамли имзо ва маълумотларни ҳимоялаш, АКТ соҳасидаги жиноятлар, халқаро ҳамкорлик каби қатор долзарб масалаларни муҳокама қилишиди.



интернетда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш масалалари долзарблигича қолмоқда. АКТ соҳасидаги бошқарув органлари бу масаларни ҳал этишда доимий равишда муаммоларга дуч келишляпти. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг йўлларида



Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компания Кузатув кенгаши аъзолари, раҳбарияти ҳамда акциядорлари, шунингдек, филиал ва корхоналар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни компания Кузатув кенгаши раиси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов бошқарди.

Тадбирда компаниянинг 2007 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари, бухгалтерия баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, соф фойда тақсими ва дивидендларни тўлаш ҳамда 2008 йил бизнес режасини тасдиқлаш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш ҳамда унинг регламенти юзасидан давлат ишончли бошқарувчиси вакили, Агентлик Бош директори биринчи ўринбосари А.Избосаров маълумот берди.

Кун тартибидagi иккинчи масала — «Ўзбектелеком» АКнинг 2007 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан компания бош директори Х.Муҳитдиновнинг ҳисоботи тингланди.

Маърузада таъкидланишича, «Ўзбектелеком» АК 2007 йил якуни бўйича ижобий кўрсаткичларга эришди. Хусусан, ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлардан олинган даромад компания филиаллари бўйича 177,5 млрд. сўмни ташкил этди. Белгиланган режа 103,5 фоизга бажарилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,6 фоизга кўпдир.

Компания филиаллари бўйича умумҳўжалик фаолиятдан олинган фойда 6,6 млрд. сўм ва соф фойда 3,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Компания филиаллари бўйича 2007 йил мобайнида маҳаллий телефон тармоғида

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК: ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАР, АНИҚ ВАЗИФАЛАР



асосий телефон аппаратлари сони 26,2 мингтага ўсди ва режа 120 фоиз бажарилишига эришилди. Асосий телефон аппаратларини ошириш режаси барча филиаллар томонидан бажарилди.

2007 йилда республикада ташкил этилган 1879та мини-банклар телефонлаштирилди ва 1811таси модем алоқаси билан таъминланди. Инфратузилма объектларининг телефонлаштирилиши бўйича Мехрибонлик уйлари, болалар богчалари, академик лицей, коллеж ва мактаблар, шифохоналар ва шу сингари объектларда мингдан зиёд телефон алоқаси ўрнатилди.

«Ижтисодий химоя йили Давлат дастури» бўйича компания томонидан 278,8 млн. сўмлик пул маблағлари сарфланди.

2008 йилнинг устувор вазифаларидан бири телекоммуникациялар тармоқларини доимий равишда модернизация қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Бу борада қишлоқ телефон станцияларини «Коинот» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳаллий СГМ русумли рақамли телефон станциялари асосида

модернизация қилиш, Тошкент - Бухоро йўналиши бўйича DWDM технологияси асосида транспорт телекоммуникация тармоғини куриш, Халқаро коммутация марказини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, халқаро интернет канали сифатини янада ошириш борасида кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилишда Кузатув кенгаши раиси А.Арипов ўз фикрини билдираркан, ўтган йили компания катта кўрсаткичларга эришганини таъкидлади. Шу билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам мавжудлиги, жумладан, Фарғона водийсида захира радиореле куриш, WiMAX технологияси ва симсиз алоқани ривожлантириш каби қатор муҳим масалалар бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан компания бош ҳисобчиси Ф.Мансурова, бош директор ўринбосари Ш.Содиқов, иқтисодий таҳлил, прогнозлаш ва тарифлар бўлими бошлиғи Х.Абидова, бош ҳуқуқшунос Р.Хурсанов ва бошқалар сўзга чиқашди.



Кеча пойтахтимиздаги INFINITY клубида компютер уйинлари бўйича VI Ўзбекистон чемпионатининг миллий финали ўтказилди.

Бугун "Зарафшон" концерт залида миллий финал ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Келгуси сонда

TATU қошидаги 2-сонли Академик лицей спорт залида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида Ёшлар йилига бағишланган "Соғлом оила" республика мусобақасининг биринчи бошқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда уларнинг фарзандлари иштирок эттиди.

Ушбу тадбирлар тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонида танишишингиз мумкин.

XALQARO HAYOT

ДАНИЯ
ТИЖОРATGA ҚУЛАЙ

«Forbes» журнали тижорат учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди.



Рўйхатда Дания биринчи ўринни банд этган. Сабаби ўтган йили бу мамлакатда хусусий мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мақтарли ишлар амалга оширилган. Кучли ўнликка Ирландия, Финляндия, АКШ, Буюк Британия, Швеция, Канада, Сингапур ва Гонконг мамлакатлари ҳам киритилган.

ВЕРТОЛЁТЛАР
ТЎҚНАШУВИ

Аризона штатининг Флэгстаф шаҳри осмонда иккита табибий вертолёт тўқнашиб кетган.

Фожиа етти кишининг умрига зомин бўлган, уч кишининг эса ҳаёти хавф остида. Вертолётлар «Air Methods» корпорацияси ҳамда «Classic Helicopters» компаниясига тегишли бўлган. Ҳалокат сабаблари ҳозирча ошкор этилмаган.

«SIEMENS»ЧИЛАР САФИ
СИЙРАКЛАШМОҚДА

«The Financial Times» газетасининг хабар беришича, Германиянинг «Siemens» концерни 2010 йилгача дунё бўйича 17,2 минг нафар ходимини ишдан озод қилишга қарор қилган.

Тахлилчилар АКШнинг «General Electric» компанияси билан кучли рақо-



батда «Siemens»нинг мавқеига пугур етаётгани ҳақида фикрлар билдирмоқда. Шу боис концерн мутасаддилари ходимлар сафини қисқартириш борасида бош қотиришяпти. Қисқартиришга тушган ходимларнинг олти мингга яқини концерннинг Германиядаги офисларида фаолият олиб боради.

Электроника ва мобил телефонлар ишлаб чиқарадиган «Siemens» концернининг 1847 йили ташкил топган. Жаҳоннинг 190та давлатида фаолият кўрсатётган концерн филиалларида 430 минг киши меҳнат қилади.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2008 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган 2008 йил текширишлар режа жадвалига асосан «Тараққиёт телерадиокомпанияси» ва «Водий садоси ёшлар телерадиокомпанияси» масъулияти чекланган жамиятларида текширишлар ўтказилди.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Текшириш ва
ўрганишларда...

Текшириш натижаларига асосан «Тараққиёт телерадиокомпанияси» МЧЖда техник жиҳозларнинг ерга уланishi контури қаршилиғини ўлчаш даврийлигига амал қилинмаганлиги, «Водий садоси ёшлар телерадиокомпанияси» МЧЖда эса Давлат санитария эпидемиология марказини жалб этган ҳолда Андижон, Фарғона, Кўйтош, Зарафшон, Учқизил, Бухоро, Урганч, Нукус, Қўқон, Лангар РТСлари минораларида ўрнатилган телерадиозатгичлар ҳамда Андижон шаҳри, Саноат кўчаси, 241-А уй билан Андижон РТС йўналиши бўйича ўрнатилган РРЛ қурилмаларининг электромагнит нуриланиши даражасини ўлчаш ишлари олиб борилмаганлиги, ўлчов воситалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, ўлчов воситаларини ижарага олиш тўғрисида бошқа корхоналар билан шартномалар тузилмаганлиги, тартиб ҳоналари ички ишлар органлари қришидаги марказлашган қўриқлаш пултига топширилмаганлиги, энг асосийси, ўз фаолиятларини юритишлари учун иш жойлари зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги аниқланди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳар икки МЧЖга кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назоратга олинди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатманинг бажарилиши юзасидан бир қатор ишлар олиб борилади ва аниқланган камчиликларни кўрсатмада қайд этилган муддатларда бартараф этилиши таъминланиб, кўрсатмалар ўрнатилган тартибда назоратдан олинди.

«Андижон Телеком» филиали ҳамда вилоят ДАИнинг 2008 йилда биргаликда ўрганиш ўтказиш режа-жадвалига асосан филиалнинг Олтинкўл ва Шахрихон телекоммуникациялар боғламалари ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида Шахрихон шаҳар марказига ўрнатилган С&С08 русумли АТСнинг КРОССи фаолиятини юритишда зарур бўлган бирламчи ҳужжатлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Шаҳар телефон тармоқларида аризаларни ҳисобга олиш ва шикастланишларни бартараф қилиш тўғрисидаги йўриқнома»-си талаблари асосида ташкил этилмаётганлиги ва шунга ўхшаш бошқа камчиликлар аниқланди.

Олтинкўл телекоммуникациялар боғламасининг Олтинкўл туман марказида иккинчи ва олтинчи тарқатиш жавони ва 7та кабел кудуги ўрганилганда, 6-тарқатиш жавони тартибга

келтирилмаганлиги, жавоннинг кўйи қисми беркитилмаганлиги, кудуқларнинг 2таси тозаланмагани, кабеллар тартибга келтирилмаганлиги ҳамда кудуқларда қопқоқлар етишмаслиги аниқланди. Номасъулум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган бу қопқоқлар ўрнига махсус тайёрланаётган бетон плиталардан фойдаланилмоқда.

Ўрганиш якунида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди. Телекоммуникация боғламалари томонидан камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят Давлат алоқа инспекцияси вилоят электромагнит мослашув хизмати ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда 10та тадбир ўтказди. Ушбу тадбирлар жараёнида Асака тумани, Қипчоқ ҚФЙ, Қипчоқ кўчасида яшовчи фуқаро Зўҳридин Холматов ўз уйига хорижда ишлаб чиқарилган Bada 3810 CID русумли радио-телефон антеннасини ўрнатиб, радиотелефондан махсус рухсатномасиз фойдаланиб келаяётганлиги аниқланиб, унга «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 12-моддалари ҳамда радиоэлектрон воситаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишни белгиланган тартиби, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 12-банди бузилишига йўл қўйганлиги тушунтирилиб, ундан тушунтириш хати олинди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 152-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жазо қўлланилиб, 41730 сўм миқдоридан жарима солиниди ва маҳаллий бюджет ҳисобига ундирилди.

Андижон вилоятида маъмулотлар узатиш йўналишида фаолият юритаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан махсус рухсатномасиз (лицензиясиз) маълумотлар

узатиш хизматларини кўрсатиш, асимметрик технологиялардан фойдаланиш ҳолатлари ва «IP-телефония» технологиясини қўллаган ҳўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирда, яъни 2008 йилнинг 26 март кунини Андижон шаҳар, Қўшарик даҳаси, 13-уйда (Андижон шаҳар, Айланма кўча, 6-уйда жойлашган «HAMRON HANMOR SERVIS» МЧЖга тегишли) фаолият юритаётган компютер ўйинлари шохобчасида аҳолига махсус рухсатнома (лицензия)сиз интернет хизмати кўрсатилаётганлиги аниқланди. МЧЖ раҳбарига ва компютер ўйинлари шохобчаси ходимларига ушбу фаолият тури лицензияланганлиги ҳақида тушунтириш берилиб, МЧЖ раҳбарига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилиши учун Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекциясига 2008 йил 27 мартда 23/151-сонли хат билан ҳужжатлар тақдим этилди. Натижада шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан МЧЖ раҳбари К.Азимовга нисбатан маъмурий жазо чораси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддаси 1-қисми билан 186300 сўм миқдоридан жарима солиниди.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Андижон вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лицензиялаш масалаларига доир очик эшиклар кунини ташкил қилиш юзасидан ишлаб чиқилган режага асосан, жорий йилнинг 29 март кунини «Андижон Телеком» филиалида, 26 апрел кунини Бобур номидаги ахборот-кутубхона марказида, 31 май кунини Асака телекоммуникациялар боғламасида очик эшиклар кунини ўтказилди. Бу тадбирлар ўтказилиши ҳақида олдиндан маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълонлар бериб борилди. Ўтказилган тадбирларда Агентликиннинг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Нуритдинов, етакчи мутахассиси Л.Усмонов, вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Мамасобилов, «Андижон Телеком» филиали директори биринчи ўринбосари Н.Ҳасановлар иштирок этдилар. Тадбирларда қатнашган юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш учун лицензиялашнинг моҳияти тушунтирилди. Иштирокчилар томонидан интернет-кафе хизматлари кўрсатиш учун вилоятдаги мавжуд интернет-провайдерларнинг техник имкониятлари ҳамда уларнинг иш сифати, лицензия учун давлат божини тўлаш усуллари ва тўлов миқдорлари, қишлоқ жойлари учун назарда тутилган имтиёзлар ҳақидаги саволларга тегишлича жавоблар берилди.

Абдуманноб
МАМАСОБИРОВ,
Андижон вилояти ДАИ
бошлиғи вазифасини
бажарувчи



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази 2004 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда миллий IT компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига миллий компаниялар томонидан дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт жараёнини жадаллаштириш, тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ҳамда ёш дастурчиларни тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш сингари муҳим вазифалар юклатилган.

Марказ ўқитувчи ва мутахассисларнинг юқори даражадаги малакаси халқаро IT-компанияларнинг сертификатлари ҳамда жамоа кўлга киритган қатор ютуқларда кўринади. Марказ замонавий компьютер паркига ва кенг ахборот инфратузилмасига эга.

— Марказимиз махсус IT таълими, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда изланиш ишлари ва инновациялар сингари асосий йўналишларда фаолият олиб боради, — дейди ЁДТҚҚМ бош директори Аҳам МИРАЗИЗОВ. — Ёш мутахассисларни профессионал жамиятга самарали жалб қилиш мақсадида марказ фаолиятининг бошланишида мутахассисликка имтиёзли ўқитиш лойиҳаси ташкил этилди. Ушбу лойиҳа республикамиз олий ўқув юрлари талабалари ва ёш ходимлари орасидан иқтидорлиларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ва ишга солишга қаратилган бўлиб, ўз ичига асосий мутахассислик курслари мажмуини, амалиёт даври ва иш билан таъминлаш имкониятини қамраб олган. Амалиёт даврида талабалар реал лойиҳаларда ишлаш, тажриба орттириш, профессионал ўсиш имкониятига эга бўладилар. Тайёрлов ва амалиёт натижаларига қараб тингловчиларга курсни тугатганлик ҳақида сертификат топширамади. Энг иқтидорлилар марказ ва бошқа IT-ташкilotлар лойиҳаларига жалб қилинади. Утган йиллар давомида марказимизда 2,5 мингга яқин тингловчилар ўқитилди. Улар АКТ соҳасининг турли йўналишларида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимиз IT-таълим бозори бой бўлиб, аҳолиси жаҳон талаблари даражасидаги сифатли таълим олиш имкониятига эга. Лекин вилоятларда сифатли компьютер таълимига бўлган эҳтиёж сезиларли даражада. Хусусан, бу — Дастурлаш; Ахборот тизимларини ва захираларини бошқариш; Уч ўлчамли моделлаш; Веб-технологиялар; Графика дастурлари каби йўналишларга тегишлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда марказ томонидан профессионал ВеPro лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳанинг асосий мақсади — IT-таълим йўналишини янада ривожлантириш, республикамизнинг исталган нуктасида яшовчи фуқарога бир хил сифатга эга ва қулай компьютер таълимини бериш имконини яратишдир. Ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида айна дамда ўқув марказларининг республика бўйлаб тарқалган тармоқлари яратилмоқда. Тармоқларнинг вазифаси — барча вилоятлардаги юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича сифатли таълимга бўлган эҳтиёжни қондиришдир.

Махсус курслардан ташқари, лойиҳа доирасида марказ турли амалий мақсадларга қаратилган

куйидаги ўқув дастурларини ҳам тақлиф қилади:

Профессионал компьютер курслари. Ушбу курслар кундалик ҳаётда компьютердан доимий равишда фойдаланувчи, ўз билими ва маҳоратини чуқурлаштироқчи бўлган кишилар учун мўлжалланган. Курсларнинг ўзига хослиги — машгулотларга амалий ёндашиш, ўқув дастурини мижозларнинг эҳтиёжига мослаштириш, тингловчиларга қўйиладиган асосий шарт — собитқадамлик ва ўз мақсадларини аниқ кўзлай олишдир.

Бошланғич компьютер таълими. Ушбу гуруҳ курслари кенг аҳоли қатламлари учун мўлжалланган бўлиб, тингловчиларни компю-

дорлигини ошириш учун TreNDSW таҳлил асосида дастурий ечимларни ишлаб чиқиш хизматини тақлиф қилади. Таҳлил натижасида ташкilot учун стандарт ечимлар тўғри келмаслиги аниқланса, махсус бизнес-қўлланма ишлаб чиқилади.

Турли мижозлар учун ишлаб чиқилган лойиҳалар тайёр дастурий ечимлар мажмуғига асос солди. Оддий ишлаб чиқариш жараёнларини ва технологияларни моделлаштириш ҳамда уларни ягона дастурлар мажмуғасига киритиш натижасида марказ мижозлар учун автоматлаштиришнинг эҳтиёжи, маблаг сарфи, мuddатини аниқлаш ишларини соддалаштирди. Натижада бугун бир қатор бизнес-қўллан-



СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ — БИЗНИНГ ЮТУҒИМИЗ

— дейди Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази жамоаси



тер технологиялари олами билан таништиради. Курсларнинг ўзига хослиги — ҳаммабол нархлар, тушуниш энгил бўлган тил, ҳар кунлик вазифаларга қаратилганлик.

Махсус IT-курслар. Республикаимизда илк маротаба марказ амалий дастурларни ишлаб чиқариш бўйича махсус курсларни тақлиф қилмоқда. Булар — муҳандислик графикаси тизимларида ишни дастурлаш тиллари воситасида автоматлаштириш, "open source" муҳитида дастурлаш ва ахборот тизимларини бошқариш.

Корпоратив ўқиш. Ташкilotлар учун юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича корпоратив курслар ташкил этилди. Бунда ўқув дастурлари мижоз эҳтиёжига мослаштирилади, махсус курслар ишлаб чиқилиб, машгулотлар ташкilotларда уюштирилади. Ўқиш мuddати туганидан сўнг бепул консалтатив хизмат кўрсатилади. Мухими, ҳар қандай ўқиш йўналиши ва шаклида марказ тингловчиларга АКТ соҳасидаги амалий кўникмаларини оширишга кўмаклашади.

ЁДТҚҚМда 2005 йили бюртма бўйича дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи TreNDSW гуруҳи ташкил этилди. Бугунги кунда TreNDSW гуруҳи бюртма дастурий маҳсулотларни яратиш, тайёр дастурий ечимлар, ташкilot ахборот тизимларига хизмат кўрсатиш ва IT-консалтинг каби хизматлар мажмуини тақлиф қилмоқда.

Ташкilotларнинг ҳусусий вази-фаларини кўпинча фақатгина аниқ корхона учун, унинг кўрсатмаларига асосан махсус ишлаб чиқилган бизнес-қўлланмалар воситасида бажара олиш мумкин. Ташкilotлар бизнес жараёнларининг самара-

малар тақдим этилмоқда. Буларга мисол қилиб, КПП (Контрольно пропускной пункт — Бошқарилувчи ўтиш пункти) Cerberus тайёр дастурий маҳсулотини келтириш мумкин. У корхоналарда ходимларнинг келиб-кетишини марказлашган тарзда назорат қилиш, уларнинг ойлик, ҳафталик ва кунлик иш вақти бўйича ҳисоботларини яратиш, корхонага беғоналарнинг киришини назорат қилиш, GSM канали ёрдамида бўлим бошлиқларнинг мобил телефонларига ходимларнинг иш жойига келгани ёки кетгани ҳақида маълумотларни SMS орқали қабул қилиш имкониятларини яратади. Шу ва бошқа дастурий маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни www.projects.uz сайтидан олиш мумкин.

Ташкilotларда қўлланилувчи замонавий ахборот тизимлари доимий равишда назорат ва таъмирлашни талаб қилади. Автоматлаштириш жараёнидаги кенг тарқалган муаммолардан бири — бу ахборот инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, яъни компьютер, тармоқ ва офис жиҳозлари, махсус дастурий таъминот, хизмат кўрсатувчи ходимлар етишмаслиғидир. Ҳаттоки пухта лойиҳалаштирилган ва ишлайётган ахборот тизимлари ҳам ҳужум, бузилиш ва эскиришдан ҳимояланган эмас. Шуларни кўзлаган ҳолда, TreNDSW жамоаси ахборот тизимларига оид хизматлар мажмуини тақдим этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Эркин ва очик кодли дастурий таъминот (ЭОҚДТ)ни ривожлантириш режасига асосан, 2007 йилнинг март ойида марказ томонидан "Эркин ва очик кодли дастурий таъминотни

маҳаллийлаштириш" лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири — ЭОҚДТ Linux асосидаги миллий Dorrpx амалиёт тизimini яратишдир. Бу вазифани амалга ошириш учун Linux-лабораторияси ташкил этилди.

Миллий Dorrpx амалиёт тизими Linux амалиёт тизими асосида яратилган. Dorrpx амалиёт тизими учта — инглиз, рус ва ўзбек (лотин ва кирилл алифбоси) тилларида ишлай олади ҳамда GPL (General Public License — Асосий умумий лицензия) лицензияси остида эркин тарқатилади. Dorrpx амалиёт тизimini <http://ftp.dorrpx.uz> интернет тармоғидан бепул кўчириб олиш мумкин. Жорий йилнинг 26 апрел кунидан бошлаб, Dorrpx амалиёт тизими республикамизнинг 10та (Тошкент шаҳрида — 5та, Бухоро вилоятида — 5та) умумтаълим мактабида татбиқ этилди. Татбиқ этиш жараёнида 20та мактаб ўқитувчилари миллий амалиёт тизими бўйича Dorrpx ўқув курсларида малакалари оширилиб, қўлланмалар билан таъминландилар. Ҳозирда мактабларда ўқувчиларга информатика фани миллий амалиёт тизими ёрдамида ўргатилмоқда.

Пойтахтимизда 15-16 май кунлари маҳаллий IT компаниялари ўртасида ўтказилган Best Soft 2008 кўргазмасида ЁДТҚҚМ миллий Dorrpx амалиёт тизими билан иштирок этди ва Dorrpx ушбу кўргазманинг "Йил маркази" номинациясига сазовор бўлди. Келажақда миллий Dorrpx амалиёт тизimini қўйидаги йўналишлар бўйича ривожлантириш режалаштирилган:

- Dorrpx Home Edition — амалиёт тизимининг уй шароитида фойдаланиш учун мўлжалланган наشري.

- Dorrpx Business Edition — амалиёт тизимининг офисларда, корхона ва барча соҳаларда ишчи станцияси сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган наشري.

- Dorrpx Server Edition — амалиёт тизимининг корпоратив тармоқларда сервер сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган наشري.

Хулоса қилиб айтганда, "Сизнинг муваффақиятингиз — бизнинг ютуғимиз" шиори остида меҳнат қилаётган марказ жамоаси бугунги ишларининг натижаси мамлакатимиз АКТ соҳаси ривожига олиб келишига ва иқтисодиётимиз бошқа тармоқлари тараққиётига ўз хиссасини қўшишига ишонади. Зеро, уларнинг юксак вазифалари — ахборот-коммуникация технологияларидаги билимларни, тажриба ва инновацияларни Ўзбекистоннинг кенг аҳоли қатламларига етказиб беришдир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" муҳбири

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

eBay ЗАПЛАТИТ \$63 МЛН ЗА ПОДДЕЛКИ



Интернет-аукцион eBay выплатит \$63 млн. компенсации французскому производителю предметов роскоши LVMH в связи с продажей им поддельных товаров под брендами Louis Vuitton, Christian Dior и др. По мнению участников процесса, положительный исход иска является историческим значением и заставит eBay пересмотреть свою бизнес-модель. В

самом eBay с решением суда не согласны и намерены его обжаловать.

К иску присоединились шесть брендов, входящих в группу LVMH: Louis Vuitton, Christian Dior Couture, Dior, Guerlain, Kenzo и Givenchy. Согласно решению суда, аукцион обязан выплатить \$19 млн. компенсации компании Luis Vuitton, \$17 млн. — Christian Dior Couture и \$3 млн. — парфюмерным брендам. Помимо этого, аукцион запрещается дальнейшая продажа любых товаров Louis Vuitton, вне зависимости, являются ли они настоящими или поддельными.

Исследование Louis Vuitton, проведенное в 2006 г., показало, что подделкой являются 90% принадлежащих ее бренду товаров на eBay.

TeliaSonera ОТКАЗАЛСЯ ПРОДАВАТЬСЯ ЗА 41 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРОВ

Французская телекоммуникационная компания France Telecom отозвала свое предложение по покупке шведской TeliaSonera за 40,8 миллиарда долларов, сообщает агентство Bloomberg. Шведский оператор отказался принять предложение французской стороны.


Если бы сделка состоялась, то на телекоммуникационном рынке Европы образовался бы самый большой сотовый оператор.

Шведско-финская компания TeliaSonera была основана в 2003 году. Правительство Швеции продало восемь процентов акций оператора за 2,67 миллиарда долларов в мае 2007 года. 13,7 процента акций контролирует правительство Финляндии.

France Telecom является третьей по величине телекоммуникационной компанией Европы. Клиентская база компании по всему миру составляет 150 миллионов абонентов.



ФОТОГРАФИЯ ПЕРЕНЕСЕТ ЧЕЛОВЕКА В ЛЮБУЮ ТОЧКУ ЗЕМЛИ



IM2GPS, который и лежит в основе определения места фотосессии, достаточно прост. Сначала компьютерная программа анализирует изображение на предмет особенностей пейзажа. После этого исходная фотография сравнивается с миллионами снимков, хранящихся в базе данных и имеющих привязку к географическим координатам. Во время процесса поиска не анализируются, к примеру, такие параметры, как стиль одежды людей или виды растений, запечатленных на картинке. Основной акцент делается на композицию фотографии и ее цветовую гамму. По этим признакам и ищутся похожие фотографии.

Пока, впрочем, программа способна установить место проведения съемки с точностью в 16%.

Специалисты из университета Карнеги-Меллон преподнесли подарок любителям фотографии. На днях они сообщили о создании уникальной компьютерной методики, позволяющей определить, где был сделан тот или иной снимок.

Как отмечают сами исследователи принцип действия алгоритма



КОРЕЙСКАЯ АТАКА НА MP3

Корейские специалисты придумали новый формат хранения аудио записей. Сейчас он проходит тестирование. Как сообщает американский портал Electronista, новый формат имеет все шансы превзойти по популярности MP3.

Новый формат цифрового звука разработан специалистами Научно-исследовательского института электроники и телекоммуникаций (ETRI) совместно со специалистами компании Audizen.

Разработчики назвали новый формат MT9. Он способен обеспечить получение 6-канального звука, при этом пользователь сможет регулировать по отдельности громкость каждого канала, как в студиях звукозаписи. Это сильно расширяет мультимедийные возможности формата, в частности, он как нельзя лучше подходит для использования в караоке: в любой позиции можно будет с легкостью отключить вокал.

В поддержку нового формата выступили корейские Samsung и LG Electronics. Обе компании, как ожидается, будут продвигать новый формат в своих плеерах и мобильных телефонах.

Первые устройства с поддержкой MT9 поступят в продажу уже в начале 2009 года.

Orange СОЗДАЛА ЧУДО-ЗАРЯДКУ

Новое изобретение позволит любителям музыки заряжать электрические устройства с помощью танца.

Французская компания сотовой связи Orange, а также фирма GotWind, специализирующаяся в области технологий возобновляемой энергии, недавно объявили о том, что им удалось разработать необычное устройство, которое позволит накапливать электрическую энергию с помощью танца и, таким образом, заряжать небольшие устройства — сотовые телефоны, фотоаппараты или mp3-плееры.

Google ПРИЗНАЛИ КОМПАНИЕЙ С НАИЛУЧШЕЙ РЕПУТАЦИЕЙ

Google является компанией с самой лучшей репутацией в США, говорится в новом исследовании Harris Interactive.

В списке компаний с наилучшей репутацией Google занял первое место, тогда как Microsoft с вершины рейтинга 2007 г. переместилась на десятое.

Всего в рейтинг Harris Interactive вошла 60 компаний. На втором месте оказался производитель косметики Johnson & Johnson, а далее идут Intel, General Mills, Kraft Foods, Berkshire Hathaway, 3M, Coca-Cola и Honda Motor.

АЭРОПОРТЫ ПРЕДУПРЕЖДАЮТ...

Ежегодно американцы теряют 637 тысяч ноутбуков в аэропортах США, сообщает Computerworld. Чаще всего лаптопы теряют при прохождении паспортного контроля и во время личного досмотра.



Более десяти тысяч ноутбуков пропадают еженедельно в 36 крупных аэропортах США. 65 процентов из них не возвращаются к прежнему владельцу. Около двух тысяч ноутбуков еженедельно теряются в средних и маленьких аэропортах. Из них лишь 31 процент возвращается к владельцу.

Также в ходе исследования выяснилось, что хоть раз в год теряли ноутбук 76 процентов компаний. При этом похищены ноутбуки были лишь в 22 процентах случаев.

Исследование было проведено в 106 аэропортах, находящихся в 46 штатах.

ПО 70 СПАМОВЫХ СООБЩЕНИЙ В СУТКИ

McAfee провела необычный эксперимент. Эксперты компании создали несколько групп пользователей-добровольцев, которые согласились в течение месяца работать со своими электронными почтовыми ящиками без каких-либо почтовых фильтров.

По итогам эксперимента в McAfee сообщили, что средний пользователь, в том случае, если его ящик не имеет защиты от спама, получает по 70 рекламных сообщений в сутки.

АФОРИЗМ



КОЛЬ САМ ТЫ ЧЕЛОВЕК, ТЕМ СЛОВОМ ЗВАТЬ НЕ СМЕИ,
ТОГО, КОМУ ЧУЖДА ПЕЧАЛЬ ДРУГИХ ЛЮДЕЙ.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv

SPORT

Хурматли телекўрашчилар!
Профилактика муносабати билан
душанба,
7 июл кунин «O'zbekiston» телевидео-
налы ўз кўрсатувларини соат 14.55дан
бошлади.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 Таълимчилар.
15.45 «Батаварлар».
16.35 Бир кун.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Отин мерос».
17.20 «Хайт ва юнун».
«Батавар сайраси».
17.40 «Эрталабр – шайхонка еталабр».
17.55 «Ибор».
18.05 «Сингапур адвокатлари».
18.10 «Умр манзаралари» Т/с.
18.50 «Обод манзиллари».
19.10 – ТВ широклар.
19.15 «Санглар оқишда».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
18.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Отин мерос».
20.10 «Хайт сингалар» Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Парламент васти».
21.50 «Муаббат ва эхирос» Т/с.
22.55 «Йилем».
23.00 «Кўшимчаси, муаббат» /SMS/.
23.15 «Ики тақдир» Т/с.
23.55-00.05 Тунги новолар.
«O'zbekiston».

00.05 Кўрсатувлар дастури.
01.10 «Батаварлар».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Отин мерос».
01.35 «Ешлар майдон».
02.35 «Чамилон».
02.55 «Обод манзиллар».
03.15 «Ўзбек опера санъати
кўдаулар».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Минг бир ривоят».
04.35 «Отин мерос».
04.45 «Афросат гушанлар».
05.05 «Умр манзаралари» Т/с.
05.45-05.55 Тунги новолар.



6.55 «Ватан мекри».
7.00 «Дарини боласи».
7.10 «Мультианорам».
7.20 «Ўзбек оиданлар».
7.30 «Тайли тухласи».
7.40 «Келаси оёвон».
8.10 «Афросат».
9.30 «Ўзбекистон либослари».
9.55 «Савдон Тошкентлик».
10.00 «Давар» Хафта язуни.
10.30 «Шарк оиданлари».
11.30 «Телевидение ватани».
11.50 «Мусли мултон».
12.00 «Ишдади иш» Б.ф.
14.30 «SMS-музиқа».
14.50 «Умр бахори».
15.10 «Абдиит оидари».
15.55 «Аллага тавахи».
16.00 «Давар».
16.10 «Экспонатир» Т/с.
16.35 «Шарк дарозаси».
17.00 «Камолот».
17.10 «Ешлар ва юнун».
17.20 «Келаси эгилари».
17.30 «Сотили боиле».
17.50 «Ўзбекистон ишдади».
18.00 «Мафруна» Т/с.
18.45 «Мусли мултон».
18.55 «Мусли мултон».
19.00 «Давар».
19.30 «Июн оидани» Т/с.
20.10 «Телепухфа».
20.15 «Ардоқ».

ДУШАНБА 7 ИЮЛ

20.20 «Телепортрет».
20.40 «Ешлар новолари».
21.00 «Тошкент 2200».
21.05 «ЦЕХ хабарлари».
21.10 «Ўжум» Т/с.
21.50 «О, шайхон!».
22.00 «Давар».
22.30 «ТВ ярлик».
22.35 «SMS-музиқа».
23.00 «Хайт-мамот» Т/с.
23.45 «Юрт пингвини».

PROFIT

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифилм «Буркеннег сирин».
5-канал.
18.05 21.50 «Телекуратор – маркет».
18.25 «Биласимай».
18.30 «Поитат».
18.50 «Экспонатир» Т/с.
19.20 «ТВ ярлик».
19.25 «Мусли SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Поитат» /рус/.
20.15 «ТВ ярлик» /рус/.
20.20 «Милларот» Т/с /рус/.
20.50 «Илгарий».
21.00 «Жанба».
21.45 «Йиларим».
22.10 «Аён қабил».
22.30 «Поитат» /рус/.
22.45 «Июн SMS со звездами».
22.50-00.35 Кино: «Луи де Фюнес
байғам».

SPORT

7.00 «Бодро утрон».
8.00 «Талани».
8.25 «Малахов ++».
9.30 «Версия».
10.00 Сервал «Татияни дави».
10.45 Борное голо. Чемпионат Европа.
Мужчины. Россия – Италия.
11.15 Вольфол. Мирова лига.
Мужчины. Россия – Куба (1-игра)
11.55-12.25 Велоспорт. Тур де Франс.

18.00 «Павловск».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Мусли тайм».
19.10 «Жди мене».
20.05 Футбол шарди.
20.30 «Бизнес револ».
20.40 «Ертим» Сервал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 Теннис. Уимблдон турнири.
Атлент. Финал.
23.30 «Тунгиз оуду бўлини».

БИРИНЧИ

04.00 08.05Телеканал «Доброе утро»
08.00 11.00 14.00 Новости
08.25 «Малахов ++»
09.25 «Модный приговор»
11.25 Сервал «Вент национальной
безопасности»
12.25 «Делитесь»
13.00 Друзья новости
13.20 «Пять. Простите»
14.15 «Щадрова оидани»
15.00 Сервал «Отинь лубин»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 Жди мене
18.10 «Сия»
19.00 Сервал «Принцесса цирка»
20.00 02.00 «Время»

20.30 Сервал «Новаясти»
21.30 Сервал «Сети»
22.20 «На ночь глядя»
23.05 Новые новости
23.25 «Гений и злодани»
23.55 «История из будущего»
00.20 Х/ф «Раздвиги»
02.30 Комедия «Фантазия».
Продолжение

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.55 «Давит на ГАЗ. История одного
кошмара».
08.50 Т/с «Сармат»
09.45 16.50 «Вести. Девушка части»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
10.25 13.20 «Местное время. Вести
Москва».
10.45 Т/с «Сармат»
11.40 Х/ф «Венский зов»
12.50 М/ф «Ну, погоди!»
13.40 Т/с «Взрослые игры»
14.35 «Судья».
15.30 Т/с «Кулачки и ладони»
16.30 «Местное время. Вести»
Московская область.
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Коллекция любви»
20.55 Т/с «Перси и шлаган»
21.55 «Мой серебряный шар».
22.50 «Вести ++»
23.40 «Ночный детектив».
23.40 Т/с «Горький и Виноград»
00.45 «Дорожный патруль»
00.55 Х/ф «Ад в полнебесе».

NTV

05.00 «Сегодня утром».
07.55 «Следствие велю...»
08.00 Т/с «Аэропорт 2»
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40
«Сегодня»
09.25 «Чрезвычайное происшествие
Обзор за неделю»
10.00 «Кулиевый поездани»
11.00 «Кадетский корпус»
12.30 Комедия «Короткий язык
тепер»
14.30 17.30 «Чрезвычайное
происшествие: Обзор»
15.30 02.20 Т/с «Возращение
Мурдас»
18.40 Т/с «Час Волкова»
19.40 Т/с «Проклятый рай»
20.40 Т/с «Закон и порядок»
22.05 Т/с «Висити»
00.00 «Судителю»
00.35 Комедия «Фортуна»
04.15 М/с «Приключения Гулливера»

КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Евронюс»
09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли...»
09.40 00.35 Программы передач
09.50 Т/с «Пад неким Европа», 5 с.
10.20 Х/ф «Музыкальная история»
11.45 «Живое дерево ремесел»
12.00 «Человек эри Колдас. Иван
Ефремов»
12.40 Т/с «Шидарий Эриктамак», 1 с.
13.10 Т/с «Розане лето», 6 с.
14.15 Д/ф «Роздор. Медный город»
14.30 «Театральная летопись»
15.00 М/ф «Про Периуру»
15.15 «Малознама васыр»
15.45 Т/с «Полосатое лето», 1 с.
16.35 Д/с «Неизвестное об

новостном», 1 с.
17.00 «Юбилейный концерт В.
Александр»
18.00 Д/с «Имари Кошоева»
18.55 Д/ф «Наша душа полет к
невозможному...»
19.35 Х/ф «Агония»
22.00 «Сердечные флюиды»
22.55 Х/ф «Патер Киводов», 2 с.
23.45 Д/ф «Коллекция №14. «На
третьей от Солнца планеты»
00.40 Д/ф «Когда римляне правили
Афрону»
01.40 Музыкальный момент.

СТС


07.00 М/с «Человек-пчела»
07.55 М/с «Синдром»
08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная
невеста»
08.30 20.00 Т/с «Паляны дожи»
09.00 21.00 Т/с «Рыбак»
10.00 10.30 09.50 01.00 «Б кардир»
10.30 Т/с «Кто в доме хозяйка?»
11.00 «Гайлово»
12.30 Т/с «Дети-матери»
13.30 Т/с «Вся такая женщина»
14.00 М/с.
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая
ведьма»
17.30 «Галлево»
18.30 Т/с «Доктор Кто»
22.00 Т/с «Атлантис»
22.58 Осси!»
23.00 Х/ф «Богатые и бедные»
01.30 «Слова богу, ты пришел!»
02.45 Т/с «Дети-матери»
Продолжение.

TBS

07.00 08.45 09.15 М/ф.
07.45 М/с.
10.00 16.00 Т/с «Барфид» - истребитель
ница вымолот»
11.00 Х/ф «Возвращени»
13.00 Ситком бедности»
14.00 18.00 Т/с «Звездные врата»
15.00 Мистика бездн»
17.00 «Упс»
19.00 00.00 Т/с «За гранью возможно-
ноч»
20.00 Т/с «Кости»
21.00 Д/ф «Тайны знаки» - Дивольские
игры Иваса Грозного»
22.00 Х/ф «Псы-волны»
01.00 Х/ф «Галгопери»
03.20 Култ. календарности

THT

05.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бин»
503 с.
05.55 «Глобальные новости»
06.00 12.30 18.00 «Такси»
06.30 М/с «Ох, уж эти дети!»
07.30 08.30 «Москва: инструкция по
применению»
07.30 «Необязательно, но факт» - Тайна
Мидвеевских совр»
08.30 Т/с «Счастливы вместе»
«Поклонники, уход, онуиуси -
звонки»
09.00 17.00 19.00 19.30 Т/с «Счастливы
вместе»
09.30 23.45 Т/с «Саша+Маша»
10.00 М/с.
12.00 «Тоталли Спикс», 44 с.
13.00 Т/с «Женская лига»
13.30 20.00 23.15 01.20 «Дри 2»
14.35 Х/ф «Последний из молчан»
17.30 «Гумендины в Королеве» - Полный
финал»
21.00 Комедия «Красота 2. Сбежавшая
невеста»
00.15 «Наша песня»
00.20 Д/с «Ист-парид, дикой природы»
02.15 Т/с.


OTBEXISTON

5.55 Курсуловлар дастури
6.00 -Ассалом, Ўзбекистон!
7.00 -Йилми.
7.05 -Йили тақдир. Т/с
7.45 «Дилучи наволар»
8.00-8.30 -Ахборот.
8.35 -Отми мерос.
8.40 -Уюр манзаралари. Т/с
9.20 -Йохор.
9.25 -Ўзбекистон табияти.
«Боналар сайёраси»
9.50 -Йил, Иза, Топ!
10.30 -Ака-уя Грим арткалари. М/с
10.55 -Синяне адвокатигиз.
11.00 -Ахборот.
11.10 -ТВ шифокор.
11.15 -Ҳайт синовлари. Т/с
11.50 -Ахборот - инглиз/
12.00 -Ассалом, Ўзбекистон!
12.50 -Йилми.
13.00 -Муҳаббат ва экирос. Т/с
14.00 -Ахборот.
14.20 -Жаҳон мусикаси хазинасида.
Леҳи Янине. «Ҳайт уз», 1-қисм.
15.25 -Интеллектуал ринг.
16.10 -Ўзбекистон табияти.
16.30 -ИИВ баҳарлари.
16.45 -Дуние манзаралари.
17.00 -Ахборот.
17.15 -Отми мерос.
17.20 -Мен тузилган юрт.
«Боналар сайёраси»
17.40 -Сартакор - ошликка етаклар.
17.55 -Худудлар ҳайити.
18.10 -Уюр манзаралари. Т/с
18.50 -Зийнат.
19.10 -ТВ шифокор.
19.15 -Оҳанглар ошунлар.
19.25, 19.55, 20.55 Эъланлар.
19.30 -Ахборот. /рус/
20.05 -Отми мерос.
20.10 -Ҳайт синовлари. Т/с
21.00 -Ахборот.
21.30 -Одиллардан бирин.
21.50 -Муҳаббат ва экирос. Т/с
22.55 -Йилми.
23.00 -Қўшиқимиз, муҳаббат. /SMS/
23.15 -Йили тақдир. Т/с
23.55-00.05 Тунги наволар.
«Ўзбекистон»
00.05 Курсуловлар дастури.
00.10 -Юртим бўйлаб» дастури: «Она за-
мин неъматлари»
00.20 -Йилк секин.
01.00 -Ахборот. /рус/
01.30 -Отми мерос.
01.35 -Ешлар майдонин.
02.35 -Одиллардан бирин.
03.00 -Ахборот. /инглиз/
03.10 -KINOMANIYA/
03.40 -Истеъдод.
04.00 -Ахборот.
04.30 -Минг бир ривоят.
04.35 -Отми мерос.
04.45 -Ўзбекистон табияти.
05.05 -Уюр манзаралари. Т/с
05.45-06.55 Тонгги наволар.



6.55 -Батан меҳри.
7.00 -Даврияне боласи.
7.10 -Мультианорам.
7.20 -Кувон оҳанглар.
7.30 -Тўғил хуфаси.
9.00 -Оҳанглар «Ушмулар»
9.10 -Ваъжи.
9.15 -ИЛЕХ кабарлари.
9.20 -Йилне оқишми. Т/с
9.55 -Yoshlar ангаеси.
10.00 -Давр.
10.10 -Ешлар майдонин.
11.10 -KINOMANIYA/
11.40 -Навоий хазинаси.
11.45 -Мулки мутоза.
12.00 -Жумиғи. Т/с


(Казань).
07.45 10.00 14.05 17.20 22.15 02.30
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 «Мир детского спорта»
09.45 Дневник международных
спортивных игр «Дети Азии»
10.10 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 Волейбол. Мировая лига.
Мужчины. Сербия - Бразилия.
12.15 Международные спортивные
игры «Дети Азии»
14.20 Стрельба из лука. Кубок мира.
14.55 02.45 Водное поло.
16.15 22.35 «Футбол России».
17.30 Международные спортивные
игры «Дети Азии»
18.50 Футбол. Премьер-лига.
20.50 03.50 Водное поло.
23.40 «Неделя спорта»
00.45 Дневник международных
спортивных игр «Дети Азии»
00.55 Показательный матч с участием
звезд мирового тенниса.
04.55 Футбол. Премьер-лига. «Зенит»
(Санкт-Петербург) - «Томь» (Томск).

Сешанба

07.00 Стрельба из лука. Кубок мира.
07.45 10.00 14.10 17.45 23.05 02.10
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Волейбик Изумрудного
горы»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 12.15 18.25 00.40 Международные
спортивные игры «Дети Азии»
10.10 «Футбол России»
11.15 «Неделя спорта»
14.20 02.20 «История Олимпийских

игр. Мексико, 1968 год.
16.25 04.25 Водное поло. ЧЕ.
17.55 «Скоростной участок»
19.55 Показательный матч с
участием звезд мирового тенниса.
21.30 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
23.25 «Лыжный прыгун на Дворцовой».
00.55 Пляжный волейбол.

Чоршанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА -
«Динамо» (Москва).
08.15 Т/с «Большая волна»
09.45 16.25 18.35 01.15 Дневник
международных спортивных игр
«Дети Азии»
10.10 «Скоростной участок»
10.55 Регби. «Кубок трех наций»
12.50 Пляжный волейбол. Этап
«Большого шлема».
14.15 02.10 «История Олимпийских
игр. Монреаль, 1976 год»
18.05 «Путь Дракона»
19.50 «Лыжный прыгун на Дворцовой»
21.10 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
23.55 04.25 Водное поло. ЧЕ.
01.30 «Скоростной участок»

Пайшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА -
«Динамо» (Москва).
07.45 10.00 13.55 17.55 23.15 02.00
«Вести-спорт»
08.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Волейбик Изумрудного
горы»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 Дневник международных
спортивных игр «Дети Азии»

Жума

05.45 Волейбол. Мировая лига.
Мужчины. Сербия - Бразилия.
07.45 10.00 14.50 18.55 21.50 02.05
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Волейбик Изумрудного
горы»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 10.55 17.00 01.15 Дневник
международных спортивных игр
«Дети Азии»
10.10 «Точка отрыва»
10.40 «Рыбалка с Радищевским»
15.00 22.15 Легкая атлетика. ЧМ.
Юниоры.
19.05 «Рыбалка с Радищевским»
19.20 01.30 Футбол России.
19.55 03.30 Волейбол. Мировая лига.
22.00 «Вести-спорт. Местное время»
23.55 Водное поло. ЧЕ.
02.15 «История Олимпийских игр.
Москва, 1980 год»

Шанба

05.30 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
08.30 10.00 14.30 16.40 21.50 01.30
«Вести-спорт»

08.10 Водное поло. ЧЕ.
09.45 10.15 16.55 01.15 Дневник
международных спортивных игр «Дети
Азии»
10.10 22.10 «Вести-спорт. Местное
время»
14.05 02.10 «История Олимпийских
игр. Москва, 1980 год»
18.05 01.30 «Точка отрыва»
19.55 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
23.35 «Рыбалка с Радищевским»
15.00 22.15 Водное поло. ЧЕ
03.40 Стрельба из лука. Кубок мира.

Жума

05.45 Волейбол. Мировая лига.
Мужчины. Сербия - Бразилия.
07.45 10.00 14.50 18.55 21.50 02.05
«Вести-спорт»
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Волейбик Изумрудного
горы»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 10.55 17.00 01.15 Дневник
международных спортивных игр
«Дети Азии»
10.10 «Точка отрыва»
10.40 «Рыбалка с Радищевским»
15.00 22.15 Легкая атлетика. ЧМ.
Юниоры.
19.05 «Рыбалка с Радищевским»
19.20 01.30 Футбол России.
19.55 03.30 Волейбол. Мировая лига.
22.00 «Вести-спорт. Местное время»
23.55 Водное поло. ЧЕ.
02.15 «История Олимпийских игр.
Москва, 1980 год»

Шанба

05.30 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
08.30 10.00 14.30 16.40 21.50 01.30
«Вести-спорт»

08.10 Водное поло. ЧЕ.
09.45 10.15 16.55 01.15 Дневник
международных спортивных игр «Дети
Азии»
10.10 22.10 «Вести-спорт. Местное
время»
14.05 02.10 «История Олимпийских
игр. Москва, 1980 год»
18.05 01.30 «Точка отрыва»
19.55 Легкая атлетика. ЧМ. Юниоры.
23.35 «Рыбалка с Радищевским»
15.00 22.15 Водное поло. ЧЕ
03.40 Стрельба из лука. Кубок мира.

Якшанба

05.45 Международные спортивные
игры «Дети Азии». Церемония
открытия.
08.00 10.00 14.20 17.35 20.45 01.15
«Вести-спорт»
08.10 Водное поло. ЧЕ.
09.45 Дневник международных
спортивных игр «Дети Азии»
10.10 21.00 «Вести-спорт»
10.15 «Страна спортивная»
10.45 «Будь здоров!»
11.15 18.55 03.25 Легкая атлетика.
ЧМ. Юниоры.
13.45 23.10 «Сборная России»
14.30 Собрание Олимпийских
сообщения.
15.35 01.25 Волейбол. Мировая лига.
17.45 ПБ. Дмитрий Сухотский (Россия)
- Юрий Циренко (Белоруссия).
21.10 Футбол. Премьер-лига.
23.55 Водное поло.

KIBEROLAM



Келажак ҳақида ўйлар

2020 йилда Янги давр бошланадими?

Дарҳақиқат, асрий орзулар амалга ошаётган бир давр бугун. Фан-техника, электроника соҳасида қилинаётган ихтиро-кашфиётлар, янгиликлар, ўзгаришлар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Шу тобда ўринли савол туғилиши табиий: электроника соҳаси эволюцияси бизга қандай келажакни тақдим этиши мумкин?

Апрел ойининг бошларида Microsoft компанияси тадқиқотчилари мазкур масалада барчани қизиқтирган саволларга ўз жавобларини расман эълон қилишди. «Being Human: Human-Computer Interaction in the Year 2020» — маърузалар тўплами шундай номланган бўлиб, 150дан зиёдроқ саҳифани банд этган ва унда яқин келажакда, аниқроғи, 2020 йилда бани башарият ҳаётида юз берадиган улкан ўзгаришлар, фан-техника янгиликлари хусусида баён этилган.

Кўшимча қилиб шуни ҳам айтиш керакки, маърузалар тўплами узок муддатли тадқиқотлар ёки ҳисоб-китоблар асосида тайёрлангани йўқ. Унда Microsoft томонидан ташкиллаштирилган икки кунлик форумда соҳа билимдонлари, етук мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар келтирилган.

Дунё ўзгарди

Сўнги бир неча ўн йилликда инсоният уч компьютер асрини бошдан ўтказди. Бу даврлар ўртасидаги тафовут бир компьютердан ўзаро фойдаланувчилар сонига қараб белгиланади.

Ўтган аср олтинчи йилларига мансуб бир мейнфрейм (mainframe — катта ҳажмли тезкор ва ташқи хотирага эга юқори самарали компьютер. Ресурслардан биргаликда фойдаланиш учун унга бошқа компьютерлар уланishi мумкин) жуда кўпгаб фойдаланувчиларга хизмат кўрсатган. Саксонинчи йилларга келиб компьютер қаршисида фақат бир киши ўтириб ишлагани учун у шахсий компьютер деб атала бошланди. Йигирма биринчи аср — бугунги кунга келиб эса деярли ҳар бир киши компьютер, ноутбук, чўнтак компютери, мобил телефон сингари компьютер қурилмаларидан ишда, уйда ва йўлда фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мутахассислар 2020 йилда мобил асри ниҳоясига етишини ва ҳаммаёқни компютерлар эгаллаб, бир фойдаланувчига минглаб электрон қурилмалар тўғри келишини тахмин қилишмоқда.

Компютерлар билан ўзаро муносабат шакли ҳам ўзгаради. Бу ҳолат бизнинг мобил асримизда ҳам кузатиляпти — қурилмалардаги клавишлар ўрнини турли сенсорли интерфейслар эгаллаётёр.

Фойдаланувчининг одатий график интерфейсини бошқа, янада табиийликка яқин бўлган интерфейслар эгаллаши мумкин. Бу овозли бошқарув ёки iPhone сингари сенсорли қурилмалар ва ҳатто имо-ишоралар тили ҳам бўлиши эҳтимол-

дан йироқ эмас. Бундан ташқари, объектининг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини доимий кузатиб турувчи қурилмалар ҳам кенг оммалашади. Бунга Nintendo Wii Remote қурилмаси яхши мисол бўлади.

Компютерлар GPS-модул, радиобелги ҳамда рақамли CCTV-видеокамералар ёрдамида фойдаланувчининг қаерда, нима билан бандлигини «англайди».

12 йилдан сўнг органик моддалардан дисплейлар ишлаб чиқарила бошланади ва ўз-ўзидан уларнинг нархи ҳам арзонлашади. «Ақли материаллар»дан ясаладиган экранлар ўта таъсирчан, атроф-муҳитга мослашувчан бўлади. Бу технология кийим-кечак ва электрон қоғоз ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Одамлар ўзгаради

2020 йилга бориб компютерлар ўқув жараёнини, умуман, ўқувчи ва ўқитувчи муносабатларини тубдан ўзгартириб юборади. Деярли ҳар бир киши ўз компютеридан фойдаланадиган бўлади, онлайн-энциклопедиялар, излаш тизими ва офис пакетлари ўқувчиларнинг доимий ҳамроҳига айланади.

Ўзгаришлар оилавий ҳаётни ҳам четлаб ўтмайди. Оила аъзолари қаерда бўлишларидан қатъи назар видеофон орқали доимий мулоқотда бўлишади, ким қаердалигини истаган пайтда аниқлаш мумкин бўлади. Ҳаёт йўлини кўрсатиб берувчи рақамли материаллар инсон вафотидан сўнг унинг яқинлари ўртасида мерос сифатида ўзаро тақсимланиши мумкин.

Компютер технологиялари (жумладан, тиббиёт технологиялари) ривожланиши натижасида одамларнинг умри узаяди. Бу туғилиш камайиб бораётган тараққий этган мамлакатлар учун айниқса долзарб масаладир. Масалан, Machine Industry Memorial Foundation ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2025 йилга бориб Японияда ишчи кучи 16 фоизга қисқариб кетади. Доим оммавий иммиграцияга қарши бўлиб келган бу мамлакатда 3,5 миллион кекса ишчи ўрнини роботлар эгаллаши кутилмоқда. Шунингдек, ногиронлар, кекса инсонларга ёрдам бериш мақсадида жуда кўпгаб роботлар ишлаб чиқарилади.

Яна ўн йилдан сўнг IT-соҳаниннг асосий миқозлари оммавий компютерлаштириш даврининг биринчи авлоди вақиллари — ҳозир 25-35 ёшга тўлганлар бўлади. Шунингдек, ўша пайтга бориб айна пайтда қирқдан ўтганлар салмоғи интернет фойдаланувчилари орасида ошади.

Жуда кўпгаб муқобил алоқа воситалари пайдо бўлиши натижасида келажак одамлари кўпроқ ўзаро мулоқотда бўлишади. Деярли ҳар бир юмуш технологияларсиз амалга ошмайдиган бўлиб қолади, дунёмиз «ақли» янада кучайиб бораётгани компютерлар назорати остида бўлади.



ALOQA OLAMIDA

САХОВАТПЕША ГЕЙТС

27 июн куни Билл Гейтс йиллик савдо айланмаси 40 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этувчи Microsoft корпорацияси бош бошқарувчиси лавозимидан расман истеъфого чиқди. Компютер технологиялари ёрдамида замонавий дунёда катта ўзгариш ясаган, айни чоғда 52 ёшини қаршилаётган бу тадбиркор саховатпеша инсон сифатида ҳам ҳурмат қозонди. Глобал дунё муаммоларига бефарқ бўлмаган Гейтс эндиликда бутун умрини хайрия ишларига бағишлашини маълум қилган. Зеро, Гейтслар жамғармасининг шиори ҳам шу: «Ҳар бир ҳаёт тенг қадрланиши керак».



КОМПЮТЕР, ОВҚАТЛАНИШ, ЧЕКИШ... МУМКИН ЭМАС!

Бутан мамлакати Миллий ассамблеяси қонун чиқарувчиларга иш жойида ноутбуклардан фойдаланишни тақиқлаб қўйди. Парламентдагилар қонун чиқарувчиларнинг турли ўйинлар ва расмлар томошасига берилиб кетишларидан чўчишмоқда.

Баъзи қонун чиқарувчиларнинг жуда кўпгаб қоғоз ҳужжат кўтариб юришдан кўра ноутбук афзаллигини тушунтиришлари бесамар кетди. Ассамблея биносида электрон қурилмалардан фойдаланиш, овқатланиш ҳамда чекиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида ўз кучида қолди.

ТЕЛЕФОН-ҚЎЛ СОАТИ



Жанубий Кореянинг Hyundai компанияси мутахассислари қўл соати кўринишидаги мобил телефон (W100) яратишди.

Унга mp3-плеер, видео ёзувчи 1,3 мегапикселли камера, 1,3 дюймлик дисплей ўрнатилган. Соат-телефонда microSD хотира картасига жой ажратилган.

Янги қурилманиннг асосий афзалликларидан бири сифатида стереоовушни ҳаводан узатувчи bluetooth-модулнинг ўрнатилганлини кўрсатиш мумкин.

HP, Dell, Acer — ПЕШҚАДАМ КИМ?

Жорий йилнинг дастлабки чорагида дунёда жами 69,9 миллион донна компютер сотилган, бу ўтган йилдаги ҳисобот давридагидан 12,1 фоиз кўпдир. Бу ҳақда iSuppli компанияси маълумот тарқатган.

HP савдода етакчилик қиляпти — компаниянинг жаҳон бозоридаги улуши мазкур даврда 18,9 фоиз (13,2 миллионга компютер)ни ташкил этди. 10,8 миллионга компютер сотишга эришган Dell компанияси 15,4 фоизлик улуш билан иккинчи, ўз хиссасини 9,7 фоизга етказган Acer компанияси эса учинчи поғонани банд этган. Шунингдек, Lenovo ва Toshiba тамфаси остида чиқарилган компютерларга ҳам талаб ошиб борапти.



MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

“Хуш келибсиз” тариф режаси

МТС компанияси мулоқот қуришни хуш кўрувчи барча абонентлар учун «Хуш келибсиз» деб номланган янги тариф режасини ишга туширди.

Янги тариф режасида ҳам шаҳар телефонларидан, ҳам Ўзбекистон уяли операторлари барча абонентларидан кирувчи кўнгирокларнинг ҳаммаси мутлақо БЕ-ПУЛДИР! «Хуш келибсиз» тариф режасига уланган МТС абонентлари ўз уяли телефонларида кирувчи кўнгирокнинг рақамини синчиқлаб текшириб ўтиришларига ҳожаат йўқ – барча кўнгирокларга дарҳол жавоб бериш мумкин. Бунинг устига янги тариф режасида Ўзбекистон бўйича барча чиқувчи кўнгироклар бир дақиқаси аёна нарх – \$0,02 бўйича тарифланади. «Хуш келибсиз» тариф режасида абонент тўлови бир кунда атиги \$0,1 ташкил этади.

Янги тариф режасига компаниянинг офисларида, МТС дилерлик ва PAYNET масканларида улашиш мумкин. МТСнинг мавжуд абонентлари «Хуш келибсиз» тариф режасига USSD-портали ёрдамида (*111# териб) ёки *111*110# USSD-буйруқни жўнатиб, шунингдек «Шахсий кабинет» ёрдамида интернет тармоғи орқали ўтишлари мумкин.

Энди «Билайн»

Малдив оролларида

«Unitel» масъулияти чекланган жамияти халқаро роуминг хизмати имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистондаги «Билайн» абонентлари учун роуминг хизмати мавжуд мамлакатлар қаторига «Vodafone Hungary Ltd» (Венгрия), «PT Hutchison CP Telecommunications» (Индонезия), «U Mobile» (Малайзия), «P&T Luxembourg» (Люксембург), «Dhiraagu» (Малдив ороллари), «Elisa Eesti AS» (Эстония) ва «Societe Francaise de Radiotelephonie» (Франция) қўшилди. Шу билан бирга, тармоғида GPRS роуминг мавжуд операторлар рўйхати ҳам кенгайиб бормоқда, уларга «Nextel Communications Inc» (АҚШ) – Nextel абонентлари учун «Unitel» тармоғида, «True Move» (Таиланд), «PT Hutchison CP Telecommunications» (Индонезия) ва «Mobitel» (Грузия) киритилди.

«Биз саёҳат давомида абонентларимиз нафақат алоқада қолишларига, балки интернет, WAP ва MMS каби қўшимча хизматлардан ҳам фойдаланишларига имкон яратишга ҳаракат қиламиз. «Билайн»нинг Ўзбекистондаги абонентлари учун халқаро ва GPRS роуминг хизмати кўпгина мамлакатларда мавжуд. Келгусида абонентларимиз GSM операторлари тармоғида маълумотларни мобил узатиш хизмати мавжуд бўлган бошқа мамлакатларга борганларида ҳам, уларга GSM ва GPRS роуминг хизматини тақдим этиш режалаштирилган», — дейди «Unitel» МЧЖ техник директори Михаил Богоявленский.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги «Билайн» хизматидан фойдаланувчилар учун халқаро роуминг 114 мамлакатдаги 251 оператор тармоғида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

«O'z Dst 12-27: 2002 Почта конвертлари. Техник шартлари» давлат стандартига жавоб бермайдиган конвертлардаги хатлар жўнатилмайдиган ва ишлов беришнинг биринчи босқичидаёқ «стандарт талабларига жавоб бермайди» белгиси билан жўнатувчига қайтарилади.

Стандарт почта конвертлари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча почта алоқаси корхоналарида сотилмоқда



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маъмурияти

TESTOLOG SERVICE

ЎҚУВ МАРКАЗИ

- АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ БАРЧА ТАЪЛИМ Йўналишлари ва тиллари бўйича ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ МАХСУС КОМПЬУТЕР ДАСТУРИ ЕРДАМИДА АНИҚЛАБ БЕРАДИ.
- ИНГЛИЗ ТИЛИ (СўЗлашув, ГРАММАТИКА) 3 ОЙЛИК ЎҚУВ КУРСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- ЮҚОРИ МАЛАКАГА ЭГА Бўлган УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ ўқитувчиларини 2008/2009 ўқув йили учун ўриндошлик асосида ЮҚОРИ МАОШЛИ ИШГА ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 53-Б уй, 20-хона.

Телефонлар: 253-15-25, (+99897)111-00-40.

E-mail: Testolog-uz@rambler.ru



ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

"ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ИНТЕНСИВ ЎҚУВ БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)

■ **Урта ва кичик бизнес менежери** – 1 йил, тезкор-5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонучилиги, компютер, интернет).

■ **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 35 минг сўм (нолдан балансгача, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).

■ **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.

■ **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** - шартнома асосида.

■ **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер, Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонучилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм.

■ **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм.

■ **Қадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қонучилиги).

■ **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ: (фақат яқка тартибда)

■ **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тулук курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муҳддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга – 15 минг сўм.

■ **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.

■ **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга – 40 минг сўм.

■ **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.

■ **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.

■ **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

2 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.

■ **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга – 150 минг сўм.

■ **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга – 150 минг сўм.

■ **Уяли телефонни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга – 100 минг сўм.

■ **Уяли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.

■ **Программаларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.

■ **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.

III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

■ **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гит-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга – 100 минг сўм.

IV. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

(фақат кичик гуруҳларда)

■ **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.

■ **Саргарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Тирноқларни ва китриқларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой – 150 минг сўм.

■ **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (компютер ва интернет

билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга – 20 минг сўм. Ўқитиш поликленикада.

■ **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой. 1 ойга – 20 минг сўм. Ўқитиш дорихонада.

■ **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, тезкор - 2 ой. 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 30 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор 10 кун, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Қўлда кийим-буюмлар тўкувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм.

■ **Бисер усулида кашгачи-безакчи** (олий курси билан) - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм.

■ **Машинада ва қўлда кашта тикиш** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.

■ **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой. 1ойга – 20 минг сўм.

■ **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор - 1 ой ва 1,5 ой 1 ойга – 20 минг сўм.


■ **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга – 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ўргатади.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Қозғистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

АВТОБУСЛАР: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.

КЕЛИШ ЙўЛИ: метронинг Минор, автобусларнинг "Қозғистон" кинотеатри бекати.



- Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданоқ бошланади.
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат **паспорт ёки тугилганлик ҳақида гувоҳнома** талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул тўлашиш йўли билан!
- **Сертификат-диплом бериллади.**
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни – яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.

1 июл куни Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларидан ташкил топган "Бунёдкор ёшлар" меҳнат отряди Қашқадарё вилоятига жўнаб кетди. Шу муносабат билан пойтахтнинг Жанубий темир йўл вокзалида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.



Оқ йўл, бунёдкор ёшлар!

Тадбирда Олий ва ўрта-махсус таълим вазири, "Камолот" ЁИХ марказий кенгаши вакиллари, ТАТУ раҳбарияти ҳамда талабаларнинг ота-оналари иштирок этишди ва ёшларга оқ йўл тилашди. Жумладан, ТАТУ ректори Содикжон Қосимов қурилиш отрядига энг намунали талабалар биринчилар сафида аъзо бўлиб кирганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб, бу воқеа ёшлар ўқини амалиёт ва ҳаёт мактаби вазифини ўтатиши, юртимиз ободлигига амалда ҳисса қўишига отланган ташаббускорларни университет ҳамisha қўллаб-қувватлашини билдирди.

ТАТУ ва унинг филиаллари "Бунёдкор

ёшлар"и асосан "Қашқадарё Телеком" филиалининг Муборак, Дехқонobod, Нишон, Фузур, Бешкент, Яққабоб, Чироқчи боғламаларида меҳнат қилишади. Шунингдек, 30 нафари "Телеком қурилиш" корхонасида, 20 нафари Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказида фаолият юритади.

Лойиҳанинг ҳар бир қатнашчиси икки турдаги устки кийим, пойабзал ва бош кийимлар билан таъминланган. ТАТУ меҳнат отрядлари сони 8та бўлиб, ҳар бир отрядга мураббий ва сардорлар белгиланган.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Қарши темир йўл шоҳбекатида 2 июл куни "Бунёдкор ёшлар" меҳнат отряди гуруҳини кўтиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

ТАТУнинг 40 нафар, Қарши филиалининг 70, Самарқанд филиалининг 20 нафар вакилидан ташкил топган гуруҳлар вилоят туманларида оптик толали кабел ётқизиш ишларида қатнашадилар.

Шу куни меҳнат отрядлари фаолиятларини бошлаш учун гуруҳларга бўлиниб Чироқчи ва Яққабоб туманларига жўнаб кетишди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Ҳикмат

БОР ЭКАН ЁШЛИК-У СОҒЛИҚ МУСАФФО,
ҲАР МАҚСАД ЖИЛОВИ ҚҮЛДА МУҲАЙЁ.

Носир ХИСРАВ



ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

Когон тумани телекоммуникациялар боғламаси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ходимларнинг бўш пайтларини унумли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда боғлама 4-АТС ходимлари билан мижозлар бўлими операторлари ўртасида "Қувноқлар ва зуқколар" беллашуви ўтказилди. "Ёш алоқачилар" ва "Қувноқ қизлар" деб номланган жамоаларнинг аъзолари дастурхон тузаш, салат тайёрлаш, қўшиқ ва рақслар ижро этиш, шунингдек, шеърхонлик ҳамда алоқа соҳасига оид бир қатор саволларга жавоб бериш бўйича ўзаро беллашдилар.

Барча шартларни юқори даражада бажарган "Ёш алоқачилар" жамоаси голиб деб топилди. Жамоанинг Равиля Мустафоева, Санжар Бозоров, Зулайхо Умарова сингари аъзолари бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар боғламада электромеханик, "08" оператори вазифини ишлаш билан бирга ўз билим ва маҳоратларини ҳам ошириб бораётганликларини амалда кўрсата олдилар.

Ҳосиллар ва иштирокчиларга касаба уюшмаси қўмитасининг совғалари топширилди.

Умида МАРДОНОВА,
боғлама кадрлар бўлими
инструктори

Машқларда тобланиб

Маълумки, зилзила энг талафотли табиий офатлардан бири. Юртимиз ҳудудининг сейсмик фаол минтақада жойлашганлиги, биз хоҳлаймикин ёки йўқми ҳар қандай вазиятда тез ҳаракат қилишни тақозо этади. Мазкур фавқулодда вазият ҳолатида ҳаракат қилиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятларини бартармаси ва туман ҳокимликлари бошчилигида туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳамкорлигида жойларда кўмондон-штаб ўқув машқлари ўтказилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг май ойида Сирғали, Собир Раҳимов ва Чилонзор туманларидаги барча фуқаро муҳофазаси хизматлари иштирокида зилзила оқибатларини бартараф этишда объектларнинг ҳаракатлари ва санитар бўлимларнинг биринчи ёрдам кўрсатишга тайёрлиги борасидаги ўқув машқлари бўлиб ўтди. Бу машқда «ТШТТ» филиалининг Миробод, Чилонзор ва С.Раҳимов телефон алоқа боғламаларининг авария-тикллов гуруҳлари иштирок этишди.

2008 йилнинг 26 июнида эса Миробод туманида «8-9 балли катастрофик зилзила содир бўлганда хизматлар ҳаракати» мавзуси-

да кўмондон-штаб ўқув машқи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Э.Икромов машқнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди. Сўнгра махсус сигнал орқали машқ бошланди.

Машқ давомида ҳар бир хизматнинг воқеа тафсилотида Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими томонидан таъриф бериб турилди.

Махсус тактик ўқув машқида «ТШТТ» филиалининг Миробод телефон алоқа боғламаси бошлиғи А.Исмоилов, фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходим М.Ҳамидов ва Миробод телефон боғламаси авария-тикллов командасининг алоқа ва хабар бериш гуруҳлари иштирок этиб, яна бир бор ўз билимларини амалиётда мустаҳкамладилар ва ҳар қандай вазиятга тайёр эканликларини кўрсатдилар.

Кўмондон-штаб ўқув машқи якунида полковник Э.Икромов сўзга чиқиб, ўқув машқлари давомида олиб борилган чора-тадбирлар, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилди ва ҳар бир хизматга алоҳида ташаккур айтиб, Миробод тумани фуқаро муҳофазаси хизматлари фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга тайёр деб баҳо берди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 592-сонли қарори ҳамда "S-IQBOL" хусусий фирмасининг (Урганч шаҳри) хатига асосан теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001619 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 27 июндан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунининг 31-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситалари телерадиомаҳсулотларини тарқатиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 277-сонли қарори ва лицензия шартномаларининг 6.1 ва 6.2-бандлари талаб ва шартлари бузилганлиги сабабли:

"Qashqadaryo kabel televideniyesi" масъулияти чекланган жамиятнинг (Қарши шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001982 рақамли;

"Иллюзия" хусусий фирмасининг (Урганч шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига 2006 йил 18 декабрда берилган АА серияли 0001809 рақамли;

"БытУниСервис" масъулияти чекланган жамиятнинг (Нукус шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001794 рақамли;

"СТУДИЯ-ШОХНОЗА" хусусий фирмасининг (Урганч шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001950 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 27 июндан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:


"DIPAZON" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001239 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 27 июндан;

"RADIO PAGE SEMURG" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ шахсий радиочақирув тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001598 рақамли;

"Произкомпавто" тижорат ишлаб чиқариш корхонасининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001368 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 2 июндан тўхтатилди.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ...

— Иккинчи гуруҳ ногирони бирор жойда ишласа пенсиясини тўлиқ оладими? Умуман, у қандай имтиёзларга эга?



С. РАЖАБОВ
Бухоро вилояти


— Ўзбекистон Республикасида ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови тўғрисида»ги ПФ-1289-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови тартиби» асосида амалга оширилади. Унинг 2-бандига кўра 1996 йил 1 январдан Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва унга тенглаштирилган шахслар, 1944-1945 Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарганлар ва мамлакат ичкарисида ишлаганларга, I ва II гуруҳ ногиронларига, шунингдек, Чернобил фалокатида жабрланганлар пенсияларининг 100 фоизи миқдоридан олмоқдалар. Қолган пенсионерларга 50 фоиз миқдоридан пенсия тўланмоқда.

Бу тартибга 2005 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 198-1-сон билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, пенсияни тўла олиш ҳуқуқига 1998 йил 1 майдан маҳалла ва фуқаролар йиғини раислари, 1999 йил 1 июлдан ёши бўйича пенсияга чиққан аёллар, агар улар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари бўлиб ишласалар, Мехрибонлик уйлари тарбиячилари, интернат уйларида ногиронларга қаровчи тарбиячилар, шунингдек, ёши бўйича пенсияга чиқишдан олдин камиди ўн йил кутубхоначи бўлиб ишлаганлар, 2004 йил 1 декабрдан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида диний-маърифий маслаҳатчи бўлиб ишлаётган аёл пенсионерлар эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига кўра, ишла-

ётган I ва II гуруҳ ногиронлари учун бир қанча имтиёзлар берилган, жумладан:

1. Биринчи йил учун олти ой ўтмасдан меҳнат таътили бериш.
 2. Уларнинг хоҳишига кўра улар учун қулай бўлган вақтда таътилни бериш (144-модда).
 3. Уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар муқаррар тартибда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.
- Булар ишлаётган пенсионерларга уларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ имтиёзлардир.
- Уларга бошқа соҳалар бўйича ҳам имтиёзлар берилган. Шунингдек, корхоналар ўзларининг локал (маҳаллий) хужжатларида ишлаётган пенсионерларга бир қанча имтиёз ва ёрдамларни белгилаганлар.

— Ўғлим уй сотиб олишда эгасига пулини тўлаган, олди-сотди шартномаси тўлдирилган, лекин ўз номига ўтказмаган. Аини пайтда уйнинг собиқ эгаси номаълум жойга кўчиб кетган, яъни у ҳақда маълумот йўқ. У уйни ўз номига расмийлаштириши учун нима қилиши керак?



Ф. ИБРОҲИМОВА
Фарғона вилояти

— Уй-жой олди-сотдиси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига муҳим ўрин эгаллаган муносабат турларидан бирига киради. Уй-жойни сотиб олиш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 366-моддаси 4-қисмида кўрсатилгандек, ёзма шаклда тузиладиган шартномадир. Уй-жойни сотиш шартномаси тузилмаслиги ёки унинг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади (ЎРФК, 480-модда).

Уй-жой сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ЎРФК 481-модда). 488-моддада белгиланишича, бундай олди-сотди шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Юқоридагилардан аён бўладики, уйнинг ҳақини тўлаш билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномани нотариал тартибда тасдиқлатиши ва давлат рўйхатидан ўтказиши керак эди. Бундай

тадбирлар қилинмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 112-моддасида таъкидланганидек, шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битим (шартномани)ни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 112-модда 1,2-қисмлари).

Энди ўғлингиз олди-сотдига оид барча далилларни тўплаган ҳолда жавобгар (сотувчи) яшаб турган жойдаги туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилиши лозим.

Саволларга «Адолат кучи» адвокатлик фирмаси бош директори Маҳаммадали ТУРҲУНОВ жавоб берди

BU — QIZIQ!

65 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ЧИПТА



1912 йилда содир бўлган «Титаник» халокатидан омон қолган АҚШ фуқароси Лиллиан Асплундга тегишли бўлган чипта Буюк Британиядаги аукционда 65 минг долларга сотилди.

Л.Асплунд 2006 йили 99 ёшида вафот этган. «Титаник»да Англиядан Нью-Йоркка йўл олганда у беш ёшда эди. Халокат вақтида унинг отаси ва уч акаси халок бўлганди.

СОЧ ЭМАС БУ...

АҚШнинг собиқ президенти Жорж Вашингтоннинг бир тугам сочи 17 минг долларга сотилди. Соч тугамини номини ошқор қилишни истамаган ричмондлик бир шахс кимовши савдосида сотиб олган.

Сотувчи колорадолик аёлдир. Аёл соч тугами ҳақиқатан ҳам Жорж Вашингтонники эканлигини, унга отасидан қолганлигини таъкидлаган. Аёлнинг гаплари нечоғлиқ тўғрилигини аниқлаш учун тарихчиларга мурожаат қилинган ва уларнинг ёрдами билан аёл расмий тасдиққа эга бўлган. Соч тугами 1837 йилда президентнинг ҳабри қайта очилган вақтда олинган дея хулоса қилинди.

Америка Қўшма Штатлари асосчиси бўлган Ж.Вашингтон 1799 йилда вафот этган.



NAZM GULSHANI

ШИРИН АРМОН

Хаёл уммонига ботганда гоҳи, Умрнинг ўтиши бағримни эзар. Рухимни сокинлик камраган чоғи, Шафақ шуълалари кўнглимда кезар. Ишқ ила яшамоқ асли бу мақсад, Дунёда армоним, қалбимни безар. Ахир ширин армон — бу Ҳаёт демак.

МАЛАК ҚАНИ?

Мунглиғ кўшигимни айтиб бораман, Ул учун бу дунё дайдиб бораман, Ўзимдан ўзимга қайтиб бораман, Хаёлим банд этган ул малак қани?

Эзгу наволардан излағум уни, Майин саболардан излағум уни, Дилхун садолардан излағум уни, Хаёлим банд этган ул малак қани? Борлигим забт этган ул тилак қани?!

Севги қасрига ҳам лойиқ бўларман, Оқибат сенга ҳам молик бўларман, Сен ўйлаган ўшал Ошиқ бўларман, Хаёлим банд этган ул малак қани? Ҳаётим забт этган ул тилак қани?

УЧРАШАМИЗ

ҲАР КУНИ

Тақдирмикан, тақозомикан, Учрашамиз ҳар кун, дилноз. Кўзларимнинг қорачиғида, Мухаббатинг янгиланур боз.

“Меҳр кўзда деган гап ёлгон!”
Дея, оғир уйга толаман.
“Кўрмай сендек бевафони” деб,
Кўзларимни юмиб оламан.

Ҳамиджон ШАРИПОВ

Табриклаймиз!

«Фарғона Телеком» филиали жамоаси Учкўприк телекоммуникациялар боғламаси ишлаб чиқариш бошлиғи Солижон АҲМЕДОВ, Ёзёвон телекоммуникациялар боғламаси электромеханиги Каримжон КАРИМОВ ҳамда филиал ходими Кўчқор РАҲИМОВларни 55 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари камолини кўриб юришликни тилайди.

«Қашқадарё Телеком» филиали жамоаси филиал директори Ўқтам Турдиевни 50 ёшга тўлиши билан чин дилдан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида улкан зафарлар тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кува туман почта алоқаси тармоғи Бўзахўр алоқа бўлими бошлиғи Ҳабибахон ХАЛИЛОВани 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оиласига тинчлик-фаровонлик тилайди.

ЭЪЛОН!

Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент босма фабрикасида тайёрланган М№-032922, В№-375022 В№-375092 рақамли диплом бланкаси ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

SPORT

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕРМАСИ

«А» ГУРУХДА

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Жаҳон чемпионати саралаш тизимининг Осиё минтақаси бўйича 4-босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси «А» гуруҳда Австралия, Япония, Баҳрайн ва Қатар термалари билан ЖЧ-2010 финал босқичига чиқиш учун кураш олиб борадиган бўлди.

«В» гуруҳида эса Ж.Корея, Эрон, С.Арабистони, Ш.Корея ва БАА термалари баҳслашишади.

Ўйинлар тақвими куйидагича: 1-тур (6 сентябр, 2008 йил) Қатар – Ўзбекистон, 2-тур (10 сентябр, 2008 йил) Ўзбекистон – Австралия, 3-тур (15 октябрь, 2008 йил) Япония – Ўзбекистон, 4-тур (19 ноябр, 2008 йил) терма жамоа дам олади, 5-тур (11 феврал, 2009 йил) Ўзбекистон – Баҳрайн, 6-тур (28 март, 2009 йил) Ўзбекистон – Қатар, 7-тур (1 апрел, 2009 йил) Австралия – Ўзбекистон, 8-тур (6 июн, 2009 йил) Ўзбекистон – Япония, 9-тур (10 июн, 2009 йил) Австралия – Ўзбекистон, 10-тур (17 июн, 2009 йил) Баҳрайн – Ўзбекистон.

«ПАХТАКОР»да
БРАЗИЛИЯЛИК
ФУТБОЛЧИ



Мазкур ҳафтада бразилиялик Фабио Пинто «Пахтакор» аъзосига айланди. Ушбу футболчи Бразилиянинг қатор номер жамоалари ҳамда Испаниянинг «Оведо», Туркиянинг «Галатасарой» жамоаларида тўп сурган. Бразилия ўсмирлар терма жамоаси (U 17) сафида 1997 йили Мисрда ўтказилган Жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритган. – Фабио Пинто клубнинг ушбу йилдаги сўнгги хариди бўлиб қолмайди, – деди «Пахтакор» вице-президенти Самвел Бабаев. – Биз янги футболчиларни излаб топилганда ҳам асосий мақсадимиз – Осиё чемпионлари лигаси кубогини кўлга киритишдан иборат.

Ўтганларнинг охириги олоб бўлсин

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси компания бош бўхгалтери Фариди Хайдаровага онаси **МАРҲАМАТ** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

ИСПАНИЯ ЧЕМПИОН!!!

Уч ҳафта мобайнида нигоҳимизни ўзига қаратган футбол бўйича Европа чемпионати ҳам ўз якунига етди. Бутун мусобақа давомида чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барча рақибларини бирин-кетин мағлубиятга учратган Испания терма жамоаси 44 йиллик танаффусдан сўнг яна шохсупага кўтарилди.



Венадаги «Эрнст Хаппел» стадионида бўлиб ўтган «Евро-2008» финал баҳси Испания ҳамда Германия терма жамоалари ўртасида кечди. Учрашувда испанлар ҳужумчиси Фернандо Торреснинг 33-дақиқада киритган голи жамоасига чемпионликни тақдим этди.

Германия – Испания – 0:1

Гол: Фернандо Торрес, 33.

Айтиш мумкинки, бир кам етмиш ёшни қаршилаган Арагонес мусобақага асосан ёш футболчилар билан ташриф буюрганди. Бу ёш иқтидор эгалари мураббий ишончини оқлай олишди. Жамоанинг етакчиларидан бири Хаби чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси бўлган бўлса, Давид Вилья мусобақа тўпурарига айланди. Шунингдек, айнан шу жамоада Сенна, Силва, Капдевила, Касорла ва Гуиса каби янги юлдузлар кашф этилди.

uForumЧИЛАР СПОРТ БАҲСЛАРИДА

Мамлакатимиздаги энг йирик интернет-форум ҳисобланган uForum фойдаланувчилари нафақат тармоқда масофадан туриб баҳс-мунозаралар олиб бориш, балки спортда ҳам ўз имкониятларини синаб кўришга аҳд қилишди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Академик лицей спорт залида uForumчилар ўртасида спортнинг баскетбол тури бўйича мусобақа ўтказилди.



Шу ўринда uForum ҳақида икки оғиз сўз: форум UZINFOCOM маркази томонидан 2006 йилнинг ноябр ойида ишга туширилган. Бугунги кунда ушбу форум орқали минглаб инсонлар мамлакатимизда АКТнинг ривожланиши масалалари ва бошқа турли мавзуларда ахборот ва фикр алмашиш, баҳс-мунозаралар уюштириш имконига эгадирлар. Унинг фойдаланувчилари орасида мактаб ўқувчисидан тортиб, турли компания, идора ва вазирликлар раҳбарларини учратиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ўзига хос мусобақа баҳонасида компьютер орқали ўзаро таниш бўлган форум аъзолари илк бор юзма-юз учрашдилар. Турнирда форумчилардан иборат учта жамоа ўзаро куч синашди. Баҳслар қизиқарли ва курашларга бой тарзда ўтди.



Учрашувлар якунида турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Абдуҳаким Абдураимов ва энг яхши ёш ўйинчи сифатида эътироф этилган. Рустам Киреевларга мусобақа ташкилотчиси Comverse компанияси вакили Одил Абдуллаев томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Форум иштирокчилари орасида соғлом турмуш тарзи ва спортни, шу билан бирга, ўзаро дўстликни тарғиб этиш мақсадида уюштирилган ушбу турнир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. uGames деб ном олган ўзига хос мусобақаларнинг навбатдаги босқичи 12 июн кuni ўтказилиши режалаштирилмоқда. Унда иштирокчилар мини-футбол баҳсида ўз имкониятларини синовдан ўтказишади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асадулло ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orij@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикрларидан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶

Реклама матнларининг тўғриликта таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

653-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ.
Алади: 7932 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲҲИЕВ.
Матн тереви: Диффуза МАТҚҲРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 8



— Республикаимизнинг энг ёш Навоий вилоятида бўлаётган ўзгаришларга қизиқаман. Хусусан, вилоятда истиқлол йилларида қандай ишлар амалга оширилди. Шулар ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?



Лобар МАҚСУДОВА
Марғилон шаҳри

Истиқлол иншоотлари

— Маълумки, Навоий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган вилоятдир. Бу ерда саноат корхоналари қуриш учун фойдали қазилма захиралари мавжуд. Шу боис истиқлол йилларида дастлабки корхоналар қуриш ишлари саноат соҳасидан бошланди. Навоий вилояти ташкил этилиши биланоқ унинг ҳудудидаги фойдали қазилмалар олимлар томонидан ўрганилиб, аниқ далиллар асосида қурилиш ишлари бошланди. Бу қурилишларнинг собиқ иттифоқ давридаги қурилишлардан асосий фарқи шундаки, у умумдавлат, умуммиллий характердаги бунёдкорлик эди. Вилоятда кўзга кўринган саноат қурилишидан бири 1995 йил 14 июнда ишга тушган Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводидир. Бу корхона Зарафшон қурилиш бошқармаси, "Жанубсаноатмонтаж" трести, Навоий қурилиш-монтаж акциядорлик корхоналари бунёд этдилар.

Вилоятдаги қурилиш ишларига асосий эътиборни қаратадиган бўлсак, бу борада иқтисодиёт соҳасидаги маъмурий бинолар мустақиллик йилларида кўплаб қурилганлигини кўриш мумкин. Бунинг ёрқин далили сифатида Навоий шаҳридаги вилоят марказий банкининг янги биноси, "Миллийбанк" ва унинг жойлардаги бўлимлари, "Саноатқурилишбанк" ва иқтисодиётга оид маъмурий биноларни кўрсатса бўлади.

1998 йилда таълим соҳасига оид 2,3 минг ўринли мактаблар қурилди, 1999-2000 йилларда Навоий шаҳридаги 450 ўринли тиббиёт, Хатирчи туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалигида 450 ўринли қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари, Навбахор туманида 450 ўринли мактаб биноси бунёд этилди.

2001-2002 йилларда вилоятда 5та касб-хунар коллежи, 2та мактаб қурилди. Жумладан, Конимех туманидаги "Шўркўл" ширкат хўжалигида 1000 ўринли мактаб, Нурота туманида 250 нафар талабага мўлжалланган педагогика, Навбахор тумани "Истиқлол" жамоа хўжалигида 900 ўринли, Хатирчи тумани А.Ёрлақабов ширкат хўжалигида касб-хунар коллежлари ва 320 ўринли мактаб бунёд этилди.

2003 йил вилоятда 3600 ўринли 6та касб-хунар коллежи, Томди тумани марказида 422 ўринли умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. 2004 йил марказлашган бюджет ҳисобидан 5та янги касб-

хунар коллежи биноси қурилди. Шунингдек, вилоят маҳаллий бюджет ҳисобидан Кармана ва Хатирчи туманларида ҳар бири 320 ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар фойдаланишга топширилди.

Навқорон вилоятда солиқни сақлаш соҳасига оид кенг бунёдкорлик ишлари ҳам олиб борилди. Масалан, 1995-2004 йилларда Томди туманида эпидемиология станцияси, Хатирчи тумани "Учқора" ширкат хўжалигида 50 ўринли, Қизилтепа ва Навбахор туманларидаги "Зармитан" ва "Янгиқўрғон" ширкат хўжаликларида қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди.

Мустақиллик том маънода тарихий анъана, урф-одат ва ўзлгимизга қайтиш даври бўлди. Истиқлол йилларида вилоятда аждодларимиздан бизгача етиб келган ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилди. Навоий шаҳридаги "Қосимшайх Азизон" хонақоси, Қизилтепа туманидаги "Тошмасжид" обидаси,

Хатирчи туманидаги "Оқмачит", Конимех туманидаги "Қиличота" тарихий мажмуалари, Работи Малик карвонсаройи, "Сардоба" тарихий ёдгорлиги, Нурота туманидаги "Чашма" тарихий мажмуаси қайта таъмирланиб, янги музей биноси ишга туширилди. Учқудуқ шаҳридаги 400 ўринли масжид тўлиқ таъмирдан чиқарилди, шунингдек, вилоят марказида жоме масжид ва православ черкови янгидан бунёд этилди. Эндиликда бу биноларнинг барчаси вилоят аҳли ва юртимизга таширф буюрган меҳмонларнинг зиёратгоҳлари ҳисобланади. Юқоридаги қурилишлар аждодларимизга, миллий-маънавий қадриятларимизга эҳтиром рамзидир.

Мустақиллик туфайли республикамизда қад кўтарган саноат корхоналари, муҳташам бинолар, аждодларимиздан қолган тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, қайта чирой очаётганлиги буюқ тарихимизда шонли саҳифа бўлиб қолади.

У.ХАЙИТОВ,
Ҳ.АБУЕВ,
Навоий давлат педагогика
инст. тути ўқитувчилари



Танловга марҳамат!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва махсус хотира тамғасининг энг яхши эскизи бўйича танлов эълон қилади.

Танловнинг мақсади: Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва махсус хотира тамғаси эскизининг энг яхши мавзу, расм ва фотосуратини аниқлашди.

Танлов ҳайъати: Топширилган ишларнинг бадий савияси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги бадий кенгаш томонидан баҳоланади. Танловга топширилган ишлар ичидан учта энг яхши мавзу, расм ва фотосурат танлаб олинади.

Танловга юборилган ишларнинг характеристикаси: Бадий композиция назарда тутилган ҳолда, эскизлар ўлчами 1x4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30x42 мм; 42x30) келиб чиқиб ватман қозоғга акварелда чизилган бўлиши лозим. Қадимий ва замонавий Тошкентнинг бадий асл фотосуратлари кичик варақлар, тўпламлар ва 1:4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30x42 мм; 42x30) келиб чиқиб почта маркалари ҳосил қилиш учун қўшимча равишда рақамли файллар — CD-R, CD-RW, ZIP-100, Flash Cardга топширилиши керак. Танловда расмлар, фотографлар ёшидан қатъи назар қатнашиши мумкин.

Танловни ўтказиш муддати: Танловга ишлар жорий йилнинг май-июл ойларида қабул қилинади. Танлов ғолиблари — жорий йилнинг август ойида аниқланади. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси жорий йилнинг ноябр ойида босишга топширилади.

Ғолибларни тақдирлаш: Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси эскизларини тайёрлаш танловда иштирок этиб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолибларга шартномага асосан муаллифлик муқофоти берилади. Танлов ҳайъати график қозғолар ва суратларни жорий йилнинг 1 августигача қабул қилади. Эскизларни олиб келиб топшириш ёки почта орқали юбориш ҳам мумкин. Фақат "Танловга" деб ёзишни унутманг! Танловга қатнашишни хоҳловчилар ўзлари ҳақида қуйидаги маълумотларни, яъни исми-шарифи, фамилияси, уй манзили, боғлашич телефон рақамини топшириши керак.


Ташкилий қўмита манзили:
Тошкент шаҳри, 100011, А.Навоий кўчаси, 28-В уй,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ «Ўзбекистон маркаси» филиали.
Маълумот учун телефонлар: 233-70-33 ёки 232-00-33.

"Ўзбектелеком" АК тасарруфидаги барча филиаллар раҳбарлари диққатига!

"ТЕЛЕКОМ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТ" ШЎҒБА КОРХОНАСИ

қуйидаги асбоб-усқуналарни таклиф этади:

- ✓ Лента стекл.электроизол. ЛЭСБ 0,2x40
- ✓ Комплект инстр. Кабелщика-2
- ✓ Коробка КРТН 10x2 (1 кор. 80 шт.) – 7 корб
- ✓ Блок БР-3 (для полиспафта)
- ✓ Боксы БКТ 100x2 (в 1 кор. 80 шт.)
- ✓ Устройство кабельное УКС-10 (1 кор. 8 шт.)
- ✓ Указатель напряжения УНО (1 ящик)
- ✓ Горелка газовозд. ГТВ-2 (с баллоном 5 л.)
- ✓ Шнур капроновый блочный 8 мм.
- ✓ Стеклопруток УЗК зап. Д-11 мм Дл-150м
- ✓ Плоскогубцы ПИК-1 (1 ящик)
- ✓ Кусачки 189 СН (1 ящик – 300 шт.)
- ✓ Когти монтерские КМ-1
- ✓ Кусачки 189 СИ
- ✓ Кусачки КИР-1
- ✓ Отвертка 102И
- ✓ Нож кабельный
- ✓ Нож монтерский
- ✓ Лапка ЛП-4/5
- ✓ Зубило 16x60



Иш қуролнинг саз бўлса –
машаққатнинг саз бўлар!



Манзилмииз: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 24-уй.
"Ўзбектелеком" АК биноси, 5-қават. Телефон: 139-23-37. Тел/факс: 236-36-27.